

KT 93.54
Гулчехра Асронова

Ота уйим оқшомлари



УДК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

А84

Асронова, Гулчехра

Ота уйим оқшомлари: [ҳикоялар, қатралар, бадиалар]

Г. Асронова. – Т.: «Adib», 2012. – 192 б.

Адибанинг мазкур тўпламига жамланган ҳикояларда халқимизнинг асрий урф-одатлари, анъаналари билан яшаётган, қолаверса оқибат, вафо, садоқат, ҳаё, андиша, ҳайрихоҳлик сингари мангу туйғулар оғушидаги инсонлар ҳаёти ва қалблари ёритилган. Айниқса, қишлоқ аҳли, уларнинг қувонч ва ташвишлари, хотиралари ўқувчилар қалбида ажиб ҳислар уйғотади.

УДК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5Ў)7

337059

ISBN 978-9943-317-64-2

© «Adib» нашриёти, 2012 й

© Гулчехра Асронова

Адиба Гулчеҳра Асронованинг «Ота уйим оқшомлари» китобига кирган қатор ҳикояларини мамнуният билан ўқидим. Уларда инсон қисматидаги бурилишлар, буюклик ва тубанлик, садоқат ва хиёнат, ҳуллас тирик одамлар тасвири бор.

Одамзот қисматини тасвирлашдан кўра «воқеа-навислик» болалаб кетган бугунги адабиётда бундай асарларнинг яратилиши қувонарли ҳол. Тўғри, ҳикоялар ихчам бўлгани учун уларда теран фалсафа, чуқур психологизмни акс эттириш осон эмас.

Бироқ Гулчеҳранинг асарларида мураккаб ҳолатлар тасвири, айниқса ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, одамшавандалик, садоқат тушунчалари аниқ ва ишонарли. Бунга «Жар ёқасида», «Кўз очиб кўрганам», «Оқибат», «Дадалар ичмайдиган томонларда», «Бир қарич ер» кабилар мисол бўла олади. Айрим ҳикояларда «ечим» бир қадар «осон» кечган, тилда баъзи публицистик унсурлар бўлиши мумкин.

Адибанинг китоби ўқувчиларга маъқул бўлади ва уларни ҳаёт ҳақида, инсон қисмати ҳақида ўйлашга ундайди. Энг муҳими – шу!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ОҚИБАТ

– Раис тоғал! Хўш, Раис тоғал!

Тонг ғира-ширасида момоқалдиروقдек туйқус янграган овоздан чўчиб уйғондик. Дарвозанинг қия очиқ эшигидан биз – опа-укалар қаторлашиб ётган сўрига кимдир мўралаб турарди.

– Ҳозир!

Ҳадемай боғ тарафдан дадамнинг салобатли қадамлари эшитилди.

Дарвоза ҳатлаб пешвоз чиққан икки кишининг бири – Фахриддин чўпонни қишин-ёзин ташламайдиган узун чакмонидан дарров танидик. Ёнидаги ёшроқ, абгор ҳолати бир қарашдаёқ кўзга ташланадиган киши нотаниш эди.

– Ҳа, тинчликми? – қўл олишиб кўришиш асносида сўради дадам.

– Манави ўғрини сизга топширгани келдим, – деди чўпон ҳалиги йигитга ишора қилиб.

– Ие, бу ҳали ўғримиди? – мийиғида кулди дадам.

Бу гапдан биз, биримиз чўнқайиб, биримиз кўрпадан бошимизни чиқариб кузатиб турган жойимизда бирдан сергак тортдик, уйқу батамом ўчди. Йигитнинг эса эгик боши баттарроқ эгилди.

– Тунда итларнинг акиллаганидан уйғониб чиқсам, – дея тушунтира кетди чўпон, – қўйхонада ҳам шу тўполон. Чироқни олиб, ўша ёққа югурдим. Ичкарига кирсам қўйлар бир тараф, мана бу шумшук бир тарафда бурчакка писиниб турибди. Яна, нуқул ўғримасман, дейди-я. Ҳа, ўғри бўлмасанг, ярим кечаси адирдаги қўйхонада нима қиласан?

– Адашиб қолувдим дедим-ку, – тўнғиллади айбдор. – Қўра ёнидан ўтиб кетаётувдим, итларингиз қува кетди. Тўғри келган тўйнуқдан ичкарига сакрадим.

– Хў, муттахам, бу чўпчагингни раисга айтмай қўяқол, – қизишиброқ ўдағайлади чўпон. Сўнг иккиси тортиша кетди. Қолган гаплари унчалик қулоғимга кирмади. Ахир умримда биринчи бор тирик ўғрини кўриб турардим. Қолаверса, бу кўриқ ерларни ўзлаштириш мақсадида чўлнинг қоқ ўртасига қурилган дўппидек маҳалламизда пайдо бўлган илк ўғри – сира қутилмаган янгилик эди. Биз зўр қизиқиш билан уни қу-затар эканмиз, дадам ҳар доимгидек гапни чўрт кесди:

– Бўлди, бас қилинглари! Қўлга тушдими, тамом. Ўғримми, тўғримми – буни мелиса ҳал қилади. Ҳозир марказ билан боғ-ланаман. Сурма! – дея молхона тарафдан сут тўла пақир кўта-риб келаётган онамга юзланди. – Мана бу йигитчани катта уйга киритиб қўй.

Дадам чўпонни жўнатиб, бизни ташқи олам билан боғлаб турган, эрта тонгда кетиб, кечки маҳал қайтадиган эски авто-бусдан ташқари ягона ришта – фақат идорага ўрнатилган те-лефон томон йўл олди. У одатда биз уйғонмасимиздан да-лага равона бўлар, фақат бугунгидек фавқулодда уйғониб қолган кунлардагина дадамизнинг ишга кетаётганини кўриб қолардик.

Шундай қилиб, юзимизни чала-чулпа ювиб, ўғри «меҳмо-нимиз» қамалган катта уйда ҳозир-нозир бўлдик. Гарчи ав-валига чўчиброқ кирган бўлсак-да, ичкаридаги илиқ муҳитдан ҳовуримиз анча босилди. Меҳмон тўрда, атлас якандозда чор-дона қуриб ўтирар, онам дастурхонга тансиқроқ нарсаларни ҳам қўйиб улгурган эди.

– Олинг, укаларингиздан тортинманг, – дея дам у, дам бу егуликни унинг олдига суриб қўярди онам. – Район марказига-ча жуда ўзоқ, яхши овқатланиб олинг.

Уст-боши юпун, соч-соқоли анчадан буён устара кўрмаган

бу одам хали ўттизга кирмаган, букчайиброқ юришидан бечораҳол одам эди. У деярли гапирмас, овқатни ийманиброқ еб ўтирарди. Зум ўтмай кириб келган дадамнинг авзойи тажангроқ кўринди.

– Марказдагилар «машина йўқ» дейишди. Шўпирга тайинлаб, автобусда жўнатворар эмишман, кутиб олишаркан. Акси-га олиб, кечадан буён автобусимиз ҳам бузук.

– Унда қандоқ етказасиз?

– Далада иш қайнаятти, энди ўғри етаклаб юрайми? Керак бўлса, олиб кетишади. Ҳозирча шу ерда тура турсин.

Масаланинг бу хилда ҳал бўлиши бизга жуда маъқул тушганди. Худди кинога ўхшайдиган ғаройиб ҳодиса тезда тугаб қолишини истамасдик.

Қайдам, балким ҳаммада ҳам шундайдир, аммо менинг мурғак қалбимда меҳр аталмиш туйғунинг ўчмас суврати онам сиймосида муҳрланган. Дадам кетгач, «ўғригина» меҳмонимиз батамом иззатга кўмилди-қолди. Онам уни «болам-болам» лаб кун бўйи парвариш қилганидан ташқари, эғнидаги титилган кийими акамнинг оҳорли катак қўйлаги, эскироқ жигарранг шими билан алмаштирилди. Ҳали айрон тутамиз, ҳали қовун сўйиб келтирамиз.

Ичимизда катта опам бошқача, зардалироқ чиққан. Ошга уннаётган онамни тергаб қолди:

– Оббў, намунча, ўзи битта ўғри бўлса, шунчалик парвона бўлиш шартми?

– Тек, унақа дема, эси йўқ, – пўписа қилган бўлди онам.

– Ким бўлсаям аввало Одам. Яна устига-устак бир мусофир экан.

Дадам одатдагидек, шом қоронғусида келди. Бу пайтда меҳмонимиз чарчаган эканми ёки «раис ота» билан юзма-юз бўлишга юраги бетламаганми, етти қават кўрпага бурканиб, ётиб олганди.

Эртаси кўни тонгда ҳам марказдагилар ўша жавобни

беришди. Автобусимиз ҳамон тузатилмаган, ҳали-вери юриб кетишидан дарак йўқ эди.

– Сени бу ерда қачонгача олиб ўтирардим, – дея онамнинг саъй-ҳаракати билан анча ўзига келиб қолган меҳмонга юзланди дадам. – Ўзи сендан ўғриям чиқмайди-ёв, кечадан буён қочиб кетишга ҳам ярамадинг. Ҳозир қўйиб юбораман, аммо бу ерларда қайтиб қорангни кўрсатма!

– Хўп, хўп, – дея такрорлаб, узоқ бош ирғагандан сўнг, у ўрнидан қўзғалди.

Дадам қўлида иккита нон, яна ул-бул тугилган дуррача билан пайдо бўлган онамга бир қовоқ уйиб қаради-ю, индамади.

– Мана бунинг олинг, болам, йўлда қийналиб қолманг.

У индамай тугунни олди-да, тез-тез юриб катта йўл томон одимлади. Орқасидан термулиб қолган онамнинг пичирлаб айтган сўзлари ҳамон ёдимда:

– Худойимнинг ёзидан айланай. Қиш келса, шуларга қийин. Ишқилиб, қариндошларига инсоф берсин...

Кейин ўйлаб кўрсам, ўшанда ҳатто унинг исмини ҳам сўрамабмиз. Ахир у биз учун энг аввало Одам эди-да...

Илӗс шоиртабиат йигит. Шу феъли зӗр келиб, бир пайтлар қоғоз қоралаб ҳам юрган. Шоир-ку бўлмади, лекин яхшигина ўқитувчи бўлиб етишди. Эртага адабиёт дарсида болаларга Ватан ҳақида сабоқ бериши керак. Шۇнақа эркин мавзуларга келганда шоирлиги «қўзиб» кетади. Ҳозир ҳам қалин конспект дафтарига энкайиб ручкасини ушлаганча узоқ ўйга толди, хаёлида айқаш-уйқаш мисралар кезди. Уларни бир сафга тизиб, битта тўртлик бўлса ҳам пайдо қилишга анча уринди. Йўқ, бўлмади. «Илҳом келмаётган бўлса керак, шоирлар айтмоқчи», хулоса қилди ўзича. Ҳар гал шۇнақа тўмтоқ кайфият чулғаганида хаёли Дилрабо томон олиб қочади. Исми жисмига монанд, мафтункор, жозибали курсдошига қачон, қандай қилиб боғланиб қолганини ўзи ҳам билмасди. Назарида, овози мусиқа каби, нутқи ғазал монанд бу дилбар қизга ошиқ бўлмаслигининг иложи йўқ эди. Унинг ишвали боқишлари, умидбахш кулгулари, эрка хўрсинишлари... бари Илӗсни мубатало қилган, қалам тебратишларига ҳам шу қиз сабаб бўлган эди. Яъни, илҳом париси эди Дилрабо. Лекин учинчи курсдаёқ бошқа йигитга тегиб кетди. Илӗсни ҳам ўқишни битирган йили қўярда-қўймай уйлаб қўйишди. Олис қишлоқдаги қариндошларининг қўшниси Дилнозага. У ҳам ҳуснда, ҳам қадди-қоматда Дилрабодан қолишмасди. Аммо... Дилрабо эмасди-да. Энг ёмони гапга йўқ. Битта асар устида узоқ-узоқ баҳслашмайди, чиройли сўзларни билмайди, у билан хаёлот, тасаввур оламида қўл ушлашиб бирга кезмайди. Илҳом ўйғотмайди. «Илӗс ака, чой». Мана, қўлида чойнагу пиёла билан қаёқдандир пайдо бўлдию, хаёлини бўлди.

«Чой» эмиш. Агар унинг ўрнида Дилрабо бўлганида қанча чиройли сўзларни изҳор этган бўларди. «Азизим, бир пиёла чойимизни қайтармассиз? Нималар банд этди хаёлингизни? Ватан? Оҳ, нақадар...?!

– Бир илтимосим бор эди.

Дилноза чой узатаркан, унга илтижоли боқди.

– Нима гап? Томорқадаги ишларни тугатдим. Бир уйга бориб келсам девдим. Илёс «майли» дейишга оғиз жуфтлади-ю, фикридан қайтди.

– Уйингдагилар кўни-кеча келиб кетишди-ю, кимни кўргани борасан?

– Уйимизни.

– Нима?

– Уйни соғиндим-да.

Илёс кулиб юборди.

– Ёш болага ўхшайсан-а?

– Кулманг. Одам уйини соғинади-да. Ўша ерга борсам хуморим босилади. Тўғилиб ўсган ҳовлимнинг ҳар заррасини соғинаман. Тандиру ўчоғи, сўри-ю суппаси, пахсасигача. Фақат одамлари эмас, тўпроғи, ҳавоси ва иси азиз менга, у ернинг.

Илёс бир сўз демай унга тикилиб қолди. Шу тобда одми, сўзга нўноқ хотини, у гўзал ташбеҳлар билан зеб бериб улўлаётган табаррук хилқатнинг асил моҳиятини ўзидек содда иборалар билан англатган эди. Ахир бу Ватаннинг ибтидоси-ку! Ҳар инсоннинг қалб аталмиш дафтарига ёзилган илк сўз, босилган илк муҳр, абадий тўйғу. Илёс Дилнозани биринчи марта яқиндан кўргандек, яқин тўйгандек меҳр билан термилиб турди-да, жилмайиб деди:

– Боравер. Тандир-ў ўчоқларинг ҳам сени соғиниб қолгандир...

Эртаси биринчи соатни шу сўзлар билан бошлади:

– Болалар, Ватан нима, у қаердан бошланади, биласизми?

Кейин сўзлар ўзи қўйилиб келаверди. Дарсидан кўнгли тўлди. Ўша кўни Илёс кўп нарсани қайта кашф этди. Дил мулкининг олис қутбидаги музликлар аста эриб, меҳр-муҳаббатнинг илиқ уммонига тома бошлаганини ҳис қилди...

Машраб чавандознинг боши қотиб қолди. Улоқчи отини сўраб келган харидорлар илгари ҳам кўп бўлган, лекин бу сафаргиси... Айни тўй қилиш тараддудида турган пайтида келиб, сутдек, яп-янги «Нексия»нинг калитини тутқазиб турибди. Яна устига тўй харажатини кўтарадиган пул ҳам қўшди. Ҳа энди, битта от бўлса яна топилар... Шундай дейди-ю, юраги увишиб кетади. Шунқордақа тулпор юз йилда битта туғилишини билади-да. Жониворнинг ёллари товланади, туёқлари ботмондегу, чопганда ерга тегмайди. Кўзлари бирам маънили... Майдонга чиқишини олдиндан сезади – қулоқлари диккайиб, бир жойда туролмай қолади. Ҳа, у кўпкари учун туғилган! Ахир ўн олти марта беллашиб, бирон марта улоқсиз қайтмаган. Шунинг учун ҳам доврўғи бутун водийга тарқалган. Шу боис ҳам унинг сотилишига кўпчилик қарши.

– Шунқорни пулламоқчи эмишсан, шу ростми? – сўради оқсоқоллардан бири чойхонада.

– Ҳа, шунақа бўп қолди.

– Бекор қипсан. У одамни яхши биламиз, кўпкарига уқуви йўқ. Ҳалиям бўлса ўйлаб кўр, Шунқорни увол қилма.

Бунақа гаплардан кўп бўлди. Лекин Машраб ака лафз қилиб қўйган, гапидан қайтолмасди. Сиртида бу савдодан мамнун кўрингани билан, кўксини ўша кундан бери афсус тимдалар эди. Машина кузовига Шунқорни ўзи юклаб берди. Тулпор ўз наздида кўпкарига отланди чоғи, қаддини ғоз тўтиб, кўзлари чақнаганча қайта-қайта кишнаб кетди.

... Бугун неча йилдан буён биринчи марта Машраб чавандоз кўпқарига бормади. Улоқчи оти бор, лекин бу Шунқор эмас-да. Майдон эса эрталабдан гавжум, айтишларича, соврин ҳам катта эмиш. Қатор боғлаб қўйилган отлар ичида Шунқор ажралиб турарди. Унинг ўзгачаланишига наинки кўркамлигию салобати, балки безовталиги сабаб эди. Янги эгасига бўйин эг-гиси келмас, ўз соҳибини изларди.

Кўпқари бошланди. Ясси адирлар қуйида кўтарилган от ду-пури нарироқдаги каттакон жарда акс-садо берарди.

– Шунқор, ана Шунқор!

У ёлларини силкитиб, товонидан ўт чақнаб улоқ томон интиларди. Ниҳоят, устидаги чавандоз ўлжани қўлга кирит-ди. Лекин шу заҳоти қалтис ҳаракат туфайли ташлаб юборди. Шунқор жон-жаҳди билан улоқнинг атрофида гир айланиб, отларни чор тарафга тўзғитиб юборди. То эгаси қўлига олма-гунича ҳеч бирини йўлатмади. Мана, ўлжа уники. Бироқ нима бўлди-ю, айна чопиб бораётган пайтида яна чавандоз панд берди – улоқ ерга гупиллаб тушди. Шунқор кишнаб юбор-ди. Яна ўлжа атрофида бўлутдек чанг кўтарилди. Бу хира ту-ман ичра енгилмас тулпорнинг чайир баданигина кўзга таш-ланар, томошабинлар нафаси ичига тушганча кузатишарди. Унинг ёнига яқинлашган қондошлари тўғининг зарбига дош беролмай, чекинишга мажбур бўлишарди. Ҳамманинг кўзи Шунқорда, шу тобдаги изтироби одамларнинг юрагига туташиб кетган эди. У барча рақибларини қувиб солгач, ўлжанинг ёнига тиз чўқди. Эгаси қийналмай олиб, маҳкамроқ ўшлаши учун. Чунки бу сафар қам қўлдан бой беришса, бардоши ет-маслигини биларди...

Ўлжа Шунқорники! Энди у аввалгидан ҳам қайсарона, ҳатто бироз аламзадалик билан илдам чопди. Маррага яқин қолганида эса... улоқ билан қўшилиб чавандознинг ўзи ҳам қулаб тушишига бир баҳя қолди. Майдон ўзра нздихомнинг «уу-увв!» деган аччиқ хитоби жаранглаб кетди.

– Айтдим-а, шундай отни увол қилди-я! – дея тиззасига муштлади ҳалиги оқсоқол.

Шунқор бирдан, кутилмаганда майдондан четга чиқиб кетди. Издихом ўрнидан туриб, таажжуб билан уни кузатиб турди. У жар томонга қуюндек ўчиб бораркан, елкасидаги чавандозни илкис ерга улоқтирди.

Ҳамон жар томон елиб бораркан, шунчалар тез чопардики, нима бўлаётганини ҳеч ким англаб ўлгурмаганди. Кейин... жарнинг энг баланд қирғоғидан сакраб, ўзини пастга отди...

Бир зум безабон, қарахт қолган одамлар кўпкарини ташлаб, жар томонга ёпирилдилар. Ўпқон тубида Шунқорнинг гавдаси ҳаракатсиз ётар, юмۇқ кўзларининг атрофи жиққа хўллиги бир қарашда сезилмас эди...



О, бу ширин ҳаяжонни туймаганига, уқпар туйғу қанотида еттинчи осмонда сайр қилмаганига қанча бўлди-я! Қандай яхши! Шу бўлимга ўтгани, Уни учратгани нақадар яхши! Бугун ишга кеч қолиб келяпти, У ҳайнаҳой шу ерда. Ана, ҳозир эшикни очиши билан нигоҳлари билан сўйиб-эркалаб қарши олади, сўнг кун бўйи пайт пойлаб бирон-бир ошиқона лутф билан сийлаш пайида бўлади. Унинг сўзлари бирам ёқимлики, Ҳилоланинг кўнгил боғида нафис чечаклар бодроқдек потирлаб очилади!

– Ў-ў, бормисиз, хайрият-э! Бугун зулматда қоламизми деб эзилиб ўтирувдик.

Ҳуршидга чиройли табассум ҳадя этгач, ҳамма билан бир-бир омонлашиб чиқди. Аслида-ку, Ҳилоланинг наздида Ҳуршиддан бошқа ҳаммаси зерикарли одамлар – бурчақдаги тепакал, кўзойнак остидан қарайвериб манглайи гижимланиб кетган кекса ҳамкасби, алмисоқдан қолган столига икки тирсагини тираганча ўзи қулоғигача ботган рўзгор ташвишларидан арз қилиб чарчамайдиган опахон... Турмуши бир зайлда, рангсиз, маъносиз ўтаётган бечоралар!

Ҳилола бир даста қоғозларни саралаш асносида Ҳуршиднинг унга термулиб ўтирганини ҳис қилар ва бундан лаззатланар эди. Бу бўлимга ўтганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ, лекин Ҳуршид унинг хаёлларини шиддат билан маҳв этди. Ёўзал ва мафтункор эканлигига, ҳалиям эркакларни асир этувчи жозибаси борлигига ишонтирди. Оилавий ҳаётнинг

чалкаш кўчаларида орзулари тумандек йитиб кетган Ҳилола ўчун эътибор қанчалар зарур эди! Кўнгли қақраб турганда Ҳуршид унга ишқ тўла майкоса тутди. Тўғри, унинг эри бор... Эрмиш... Хаёлпарст, бахтиқаро чала олим! Тўрт йилдан бери ўша эски папкасини судраб лабораториясига юрггани-югурган. Папкаси семиргани сари ўзи озиб-тўзиб, абгор бўлди. Оламшумул кашфиёт қилармишлар! «Шу Ҳамдамбой ҳам бир нарсалик бўлиб қолсин», деб бирон-бир формулани унутиб қолдиришган гўё! Кимё мукаммал фан, бошингни қотирма, деб йўлга соладиган одам топилса кошкийди. У тенгилар бири доцент, бири декан, ҳаммаси топарман-тутармон. У бўлса шу аҳмоқона ғоясини кетидан қувиб, арзимаган маош ўчун қора терга ботиб юрибди. Биттагина ўғлининг боғчасига вақтида пул тўлай олмайдиган олим! Ҳилолага қачон охириги марта ширин сўз айтиб, ҳис-туйғуларидан гап очганини ўзи ҳам эслаёлмаса керак... Ишдан ярим тунда келиб, яна қоғоз титкиласа, эрталаб яна чала-чулпа овқатланиб ишга юурса, севишга вақти қоптими! Кўзи формулалардан бошқа нарсани кўрмайди, юрагиям элементларга тўлиб ётгандир, қандай севсин, нима деб дил изҳор қилсин? «Шошма, Ҳилол, яна бироз сабр қил, натижаси кўриниб қолди, ҳали зўр яшаб кетамиз...» Топган гапи шу.

Ҳуршид бутунлай бошқача. Замонавий тилда айтганда, Ҳилоланинг айни «идеали». Ўқтам, маданиятли, нозик дидли. Энг муҳими – аёлнинг кўнглини билади. Ҳар гал уни эри билан қиёслаганда қачонлардир қўлоғига чалинган бир иборани эслайди: «Аёл киши қўлоғи билан севади». Жуда топиб айтилган экан. Ҳусни камоли мадҳ этиб айтилган хушомад қайси аёлга ёқмасин! Ҳуршиднинг дастлабки «Исмингиз жисмингизга мос экан», «Кўзларингиз мунча жоду» сингари ҳайратлари тобора дадил ифодаланиладиган бўлди. «Қачон бизнинг осмонимизда балқийсиз?», «Ҳуршид Ҳилолнинг васлига етгай деб кутмагил, нодон!» каби ишқ лаҳжасида айтилган

иқрорлар... Аввалига ўнғайсизланган Ҳилола ҳам бора-бора ҳамкасбларидан тортинмайдиган, бундайин иштибоҳлар ҳуш ёққанини яширмай ишвали табассум йўллашдан тап тортмайдиган бўлди. Нима қипти эрли хотин бўлса, Ҳуршиднинг такаллуфлари унга Ё-ҚА-ДИ! Тамом. Ахир у ёш, келишган аёл. Мақтовлар эшитгиси, ўтли нигоҳлардан мумдек эригиси келадди! Ҳеч бўлмаса шунга ҳаққи бор-ку. Ундан кўра эски папкасини яши кўрадиган олим эри беролмаган эътиборни истайди холос.

Ҳолбуки, Ҳилоланинг ўзини оқлайдиган фалсафалари бисёр. Бир пайтлар институтдаги ўстози Шоира опанинг кўзгуга қараб ўзига оро бераётиб айтган гапларини бот-бот эслайди.

– Аёлнинг ҳамиша битта ошиғи бўлиши керак, – деганди у. – Шунда ўзингга ишончинг ортади, кайфиятинг чоғ, чиройли бўлишга интиласан. Ҳуллас, ёшариб юрасан.

Бу ҳам тўғри гап. Ҳилола кундан-кунга чиройи очилиб бораётганини Ҳуршиднинг таъкидлашларисиз ҳам сезадиган бўлди.

Ишга кеч келгани дарров билинди – ҳисоботни тугатолмади. Ҳаммадан кейин қолиб ишлашга тўғри келди. Шошиб ташқарига чиққанида Ҳуршиднинг машинасини кўриб, «наҳотки кутаётган бўлса?» деган хаёл йилт этди. Нимагадир хижолат торта бошлади. Ҳуршид енгил ҳаракат билан тушиб, пешвоз чиқди.

– Ҳилолаҳон, ўтиринг, ташлаб қўяман.

– Йўғ-е, мен ўзим, ҳозир автобус келади.

– Қўйсангиз-чи, биз турганда автобусингиз нимаси!

Қўярда-қўймай машинасига ўтқазгач, кўзгунини у томонга тўғрилаб, гап қотди:

– Эҳ, нега шу гўзал аёллар ўз қадрига етмайдилар-а? Сиздек ҳурилиқо аёл тикилинчларда туртиниб юрса-я!

– Нима қипти, – қошларини эътирозли чимирди Ҳилола, – шунча одам автобусда қатнаб юрибди-ку.

– Сиз бошқалар билан тенг эмассиз, Ҳилолаҳон, – овозига

ўша таниш ширани қўшиб деди Ҳуршид. – Маликалардек эъзозга лойиқсиз.

– Ў-ў, яна бошляяпсизми? Қўйсангиз-чи, ахир кап-катта одамлармиз-а.

– Мен ҳам ҳудди шуни айтмоқчи эдим. Биз кап-катта одамлармиз. Бир-биримизни қийнаб нима қилдик?

Ҳилола унинг охириги сўзларини ўнчалик тушунмади. «Қийнаб? Бир-биримизни?» Бу сукутни ўзича тушунган Ҳуршид янада дадиллашди.

– Ҳилолахон, сизни учратганимдан буён ҳаловатим йўқ, ишқингизда ёниб кул бўлдим. Васлингизни деб яшаяпман. Ниҳоят, бугун биргамиз...

Ҳилола кутилмаганда шу пайтгача ҳис этиб кўрмаган қўрқинч исканжасига тушди. Қанақа висол? Шундагина ўзига келиб, машина бутунлай бошқа тарафга кетаётганини англади.

– Нималар деяпсиз? Н-нима... тўхтанг! Қаёққа кетяпмиз?

– Безовта бўлманг, жоним, мен сизни ёмон жойга олиб борармидим. Бизникига кетаяпмиз, хотиним болалар билан қишлоққа кетишган...

Ҳилоланинг юраги «тарс» ёрилай деди.

– Бу нима деганингиз? Тўхтанг, тўхтатинг!!!

Машина чийиллаб тўхтади. Ҳуршид Ҳилоланинг бунчалик талвасага тушушини кутмаганди, чоғи. Аёлнинг докадек юзи, кўзларидаги хавотирни кўриб шаштидан сал тушди.

– Мўнча қўрқиб кетмасангиз? Барибир бир кўн шундай бўлиши керак-ку. Бизнинг ёшимизда висолдан бошқа муддао бўлиши мўмкинми? Бўгўн имкониятимиз бор, ахир...

– Бас қилинг!

Ҳилола эшик тутқичини ўшлаб ўлгўрмай Ҳуршид унинг қўлларига ёпишди.

– Ҳилолахон, шошманг, гапларимни эшитинг! Бунинг нимаси ёмон? Беш кўнлик дунёда ўйнаб-кулиш ҳам керак-ку! Хотиним бир оми, қишлоқи аёл. Сизнинг омадсиз эрингизни ҳам кўрганман...

Қолаверса, шароитингизни яхши биламан. Мени десангиз, камингиз бўлмайди, оғзингиздан чиққанини олиб бераман, мухтожликдан қутиласиз. Тўғри, сизга хали ҳеч нарса... Истайсизми, эртагаёқ тилла, бриллиантга кўмиб ташлайман?!

Ҳилола вужудида уйғонган ғайритабиий куч билан унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Бу қандай ҳақорат, шармандалик! Ҳуршид бир лаҳза юзини ушлаганича қотиб қолди.

Сўнг ошиқ қиёфасини бутунлай тарк этиб, жазавага тушди.

– Нозлари зўр-ку, а? Ишхонада кўз сузишлари бошқача эди-ку!

Ҳилола юзини қўллари билан яширганча йиғлаб юборди.

– Уятсиз!

– Ҳм-м, сиз уятли экансиз-да! Эрли бўлатуриб бегона эркакка ишва қилган аёл уятли бўлдимиз? Нима, ўн беш яшар қизмидингиз-ки...

Ҳуршид бу сафар унинг йўлини тўсмади. Ҳилола машинадан ўқдек ўчиб чиқиб, йўлак бўйлаб югуриб кетди. Атрофга намозшом қоронғуси ёйилган, юзини юваётган кўз ёшларини ҳеч ким кўрмасди. Гарчи Ҳилолага энди барибир, айна дамда Ҳуршиддан кўра кўпроқ ўзидан қочар эди...

Ҳамдам хотинининг нега дабдурустан ишдан кетгани, энди нима қилмоқчи экани ҳақида суриштириб ўтирмади. Ҳар доимгидек Ҳилолага ишонди, ўзи қарор қабул қилишига имкон берди. Яхши мутахассис ҳамма жойда ҳам керак – Ҳилола кўп ўтмай яна ишга кирди. Юрагидаги жароҳат ҳам аста-секин битаётганди. Фақат ҳамон паришон юрар, ҳаёти бўм-бўш, олдинда заррача ёруғлик йўқдек эди... Ўғилчасини етаклаганча оёғини судраб келаётган кунларининг бирида эшик олдидаёқ эри уни даст кўтариб, чирпирак қилиб айлантира кетди.

– Уддаладим, уддаладим, Ҳилол! Кашфиётим амалга ошди!

Ҳилоланинг боши айланар, ҳудди тушда ўчаётганга

Ўхшарди. Ўша оқшом кафедра эрининг ҳамкасблари йиғилишиб, муваффақиятини «ювишди». Ажойиб нутқлар айтилди. Шундагина Ҳамдам дарҳақиқат оламшумул, ҳам кимё фанига, ҳам тиббиётга катта наф келтирувчи ихтиро қилганини англади. Шундагина қандай яхши одамнинг жуфти ҳалоли эканини ҳис этди. Эрини таниёлмай қолди. Бирам қувноқ, гапдон, ғамхўр эди-ки! Бугун яна қайтадан бир неча йиллар олдин ўзи кўнгил берган Ҳамдам акасини топди. Ликобчасига гоҳ у, гоҳ бу тансиқ нарсаларни солаётган эри қулоғига шивирлаб қўйди: «Энди ҳаётимиз бутунлай бошқача бўлади, азизам!». Ҳилола мижжаларини пирпиратганча шахло кўзларидан тошай деб турган ёшларни қайтаришга уринар, кўз очиб кўрганидан, уни тушунадиган ягона меҳрибонидан бутунлай бегона эркакни афзал кўрган кунлари ёдини юрагидан суғуриб ташлагиси келарди...



«Мамиржон ота тилидан»

Адашмасам, 1975 йилнинг ёзи эди. Ҳамкасбим Қодиржон билан хизмат юзасидан Ленинград, ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрига сафар қиладиган бўлдик. Жуда қувониб кетдим, болаликдан саёҳатни яхши кўраман. Юрт кўрганинг сари умринг мазмунга бойиб боради. Ҳамроҳим ҳам кўнгилдагидай – Қодиржон баъмани, сўхбати жонон йигит. Шундай қилиб, кийим-кечагимизни муроса билан битта жомадонга жойлаб, мамнун йўлга чиқдик.

Шаҳар мен кутганимдан ҳам зиёда эди. Чиннидек йўллар, ноёб меъморий иморатлар, улкан фавворалар... Фақат борган кунимиз меҳмонхонага жойлаша олмай, хизматчилардан бирининг маслаҳатига кўра шу яқиндаги бир кампирнинг уйида ижарада тунайдиган бўлдик. То оқшомга қадар зарур идорага учрашиб, бир оз айланишга ҳам ўлгүрдик. Қорнимизни ҳам унутмадик, дўкондан бир дунё тансиқ егулик ғамлаб олдик.

Ёлғиз ўзи яшайдиган онахон бизга чоғроққина, лекин шинам хонани кўрсатди. Қўлимиздаги елим халтага нимагадир ғалати қараб қўйиб, овқатланадиган бўлсак ошхонага чиқишимиз кераклигини айтиб ўз хонасига равона бўлди.

Толиққанимизга қарамай, эсон-омон етиб келганимизни муносиб нишонлаш учун дастурхон ёздик. Тўғрироғи, шундоққина столга тўшалган гулдор клёнка ўстига боримизни тўкиб солдик. Яйраб ўтирдик, биринчи кунни мустасно ҳисоблаб қиттай «отиб» ҳам олдик. Ширакайфда чала-чўлпа йиғиштириб, ўзимизни каравотга ташладик. Қия очиқ пардадан

мўралаб турган ойга маҳлиё бўлиб, романтик хаёллар оғушида уйқуга кетибман.

Субҳидамда беканинг атайлаб депсинаётгандек дупиллаб юриши, ошхона тарафдаги тақир-туқурдан уйғондик. Шеригим иккимиз бир-биримизга саволомуз қараб, ўрнимиздан қўзғолдик. Саломимизга совуқ алик олган онахон нонуштага ўтирмасимизданоқ томдан тараша тушгандай сўраб қолди:

– Қачон кетасизлар?

– Меҳмонхона билан хабарлашиб...

– Биз фақат тунашингизга келишганмиз, – Қодиржоннинг гапини чўрт кесди у. – Қисқаси, ортиқ уйимда сизларни кўришни истамайман!

Биз хангу-манг бўлиб қолдик. Кампир хонасининг эшигини тарақлатиб ёпиб кириб кетди-ю, зум ўтмай шиддат билан қайтиб чиқиб, очиқ айвон тарафга ўтиб кетди. Назаримда, бир жойда туролмайдиган даражада асабийлашарди.

Таажуб, кечаги самимий, бир гапириб ўн куладиган мулоийим онахондан асар ҳам қолмаганди. Нима гуноҳ қилдик? Ичганимиз ёқмагандир. Ё бирон нарсаси йўқолдимикан? У ҳолда... йўқ, яхшиси очиқ-ойдин сўраганимиз маъқул. Шундай қилдик ҳам. Онахон бир лаҳза гоҳ мен, гоҳ Қодиржонга қаттиқ тикилиб турди-да, «юрларинг мен билан!» дея амирона ишора қилиб, ёш болалардек ортидан эргаштириб кетди. Ошхонага кирдик.

У қўлини ойнага тираб қўйилган стол томонга бигиз қилиб:

– Нима бу? – деб сўради.

Стол устида катта-кичик нон увокларидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Беихтиёр енгил тортдим. Кампир тушмагур-ей, озодалик важдан араз қилаётган экан-да!

– Мана бу-чи? – ҳамон ўша оҳангда сўроққа тутаётган онахон токчадаги патнисда елим халтага ўралган нон бурдалари ва бутун бўлкага ишора қилди.

– Иккитагина жонингга шунча нон олиб, исроф қилишга уялмадингларми, а?

– Нега энди, – ҳозиржавоблик қилди Қодиржон, – исроф қилганимиз йўқ-ку, ҳозир йиғиштириб қўямиз.

– Нега тушунмайсан?! – тутокди у. – Йиғиштириш қочмас, лекин шунча нон... Уваланиб, эскириб қолиб кетади-ку! Мен қамал пайтида булканинг бир бурдаси учун жонимни ҳам беришга рози эдим, лекин... иккита боламни бериб қўйдим! ...

Унинг овози титраб кетди. Тилимга бир оғиз сўз келмас, Қодиржон ҳам бошини эгиб жим турарди. Нима қилиб қўйдик-а!

– Онахон, бизни кечиринг...

У юзимга қарамади, лекин ўнсиз йиғлаётганини кўриб турардим.

Нарсаларимизни йиғиштириб, нима деб хайрлашишни билмай турганимизда бека ўзи кириб келди-да, эшик олдидаги курсига чўқди.

– Ўғилларим, қаттиқ гапирдим, оғир олмаиғлар, – дея энди анча хотиржам гап бошлади у. – Шунчаки, ярамни янгилаб қўйдинглар... Орадан қанча йил ўтди, лекин битай демайди бу қуриб кеттур. Ахир бор-йўғим, жону жаҳоним - икки нуридий-дамдан жудо бўлганман. Аввалига кичкинаси... Ўзи нозикки-на эди. Очликдан силласи қурий-қурий, тилдан қолди. Оғзига нон солсам, зўрға чайнаб ютарди-ю «яна борми?» дегандай мўлтираб қарарди. Бир куни соатлаб навбатда туриб, уч кесим нон олиб келсам, каттам йиғлаб ўтирибди. Укаси шифтга тикилганча қотиб қолганди. Унинг ўша нигоҳи ҳозирам кўз олдимда, «яна борми?» дегандай жовдираб турарди...

У бир оз тин олиб, юзидаги оралаб устида сизаётган ёшларини аста артиб қўйди.

– Уни умумий қабрга қўйдик. Ўлик кўп, битталаб кўмишнинг иложи йўқ эди. Очликдан тутдай тўкилардик... Кўп ўтмай ёлғиз қолган ўғлимнинг ҳам юришга мадори қолмай, қорни шишиб кетди. Дунё кўзимга қоронғулашди. Нима қилсам ҳам боламни асраб қолишим керак эди. Ўша дамда эрим, отам ва

амакимни оиласи билан ҳалок қилган урушни ҳам унутгандим. Бутун фикри-зикрим ёлғизгинамни очлик чангалидан ҳалос этиш билан банд. У ҳам укасига ўхшаб шифтга термулиб ётганни кўриб турардим. Бу даҳшат эди, даҳшат!!! Мен ўшанда ҳар ишга қодир эдим, ақлдан озаёзгандим. «Ойи-и, но-о-он...» дея ингради у. Ташқарига ўқдек отилдим. Мени ўшанда нима бошқарган, айтолмайман. Атрофга олазарак қарадим, зир югурдим. Қанийди шу тобда дўкондан улушини олиб келаётган биронтаси дуч келса-ю, нонини тортиб олсам!

... Кўчада зоғ йўқ, у ер-бу ерда дўппайиб, қор ўзра сочилиб ётган ўликлар. Миямда бир ўй яшиндек чақнади. Уйга чопдим. Каравотдаги ўғлимга қарадим – тирик, қимирлаяпти. Шошиб пичоқни олдим-да, яна кўчага югурдим. Мурдалар орасидан... янгироқ, ҳали музламаганини излардим. Ёшгина бир қизни топдим. Танаси ҳартугул илиқ эди. Талвасада титраб – қақшаб кийимларини бурдалай бошладим.

У бармоқларини асабий қирсиллатиб олиб, кейин яна давом этди:

– Бу даҳшат эди, даҳшат! Лекин ўша пайтда қалбим, ақлим карахт эди. Ҳеч нарсани англамасдим. Қўлларимнинг титроғи ҳам шошганимдан эди, холос. Мен неча кунлардан бери ўликлар билан ёнма-ён яшардим, балки дийдам қотгандир ҳам. Лекин ҳозир дунёдан ягона умидим, ҳаётга боғлаб турган сўнгги риштамни – ўғлимни сақлаб қолиш истагидан бошқа туйғу йўқ эди менда. Шу буйруқни онгсиз мавжудотдек бажараётган эдим.

Хуллас, ўғлимга одам гўштини пишириб бердим. Худонинг жазосими ёки шафқати – гўшт тугади ҳамки, қамал ҳам тугатилди. Ўғлим омон қолди. Оёққа турди, аммо... кўп ўтмай ... ақлдан озди.

Бека кўзларини юмиб олди.

– Ҳа, у жинни бўп қолди! Боламга одам гўштини едирганимни бир ўзим билардим, аслида мен ақлдан озишим керак

эди, мен!!! Телба ўғлим ўзоқ яшамади. Бир куни машина та-
гида қолиб, нобуд бўлди. Кўрганларнинг айтишича, ўзини
атай ташлаган эмиш. Унинг савдойи бўлиб қолиши ўша...
гўшданми, йўқми, билмайман. Бу ҳақда суриштириш тугул,
ўйлашга ҳам тоқатим бўлмади. Даҳшат, қандай даҳшат...

Кампир жимиб қолди. Орадаги сукунат шу қадар оғир эди-
ки, жисму-жоним зирқираб кетди.

– Бу савдоларнинг ҳаммаси очарчиликдан, нон қаҳатчи-
лигидан бошимга тушган. Ноннинг ушоғини бўлса-да увол
қилганларни кўрсам, кўнглим бузилади. Ўғилларим тирик
бўлганида сенлар каби паҳлавон йигитлар бўлишармиди...

...Ленинграддан бир hafta деганда қайтдик. Рухиятимда
ғалати бир маҳзунлик билан бирга аллақайси мудроқ, эзгу
туйғуларим уйғонгандек эди. Ҳалқимизда нонни эъозлаш аза-
лий қадрият бўлиб келган, буни бизга йўрғақдан ўргатишган.
Лекин ўша сафарим туфайли бу улугъ неъмат қадрини янада
чуқур англадим.



Мавлуда даҳлиз эшигини шахд билан очиб кирди-да, сабзи кертиб ўтирган аясининг қаршисига чўк тушди.

– Ая, олма! – деди лабларини чўччайтириб.

– Ҳм, дабдурустан олма егинг кепқолдими? – кенжатоийи-га эркалаб қаради Саида опа. – Эртага даданг бозорга тушса...

– Йўқ, ҳозир ейман! – чўрт кесди Мавлуда. – Келинойим еяпти-ку, менга қолганда йўқми?

– Келинойинг?

– Ҳа-да. Ошхонага кирсам еб бўлай деган экан. Мени кўриб шошилиб пўчоғини яширди.

Саида опанинг кўнглига муз тушгандек бўлди. Ўғлидан ранжиб кетди. Онадан яшириб хотинчасига ташияпти экан-да! Қолганлар-ку майли, биттагина синглисига илинса бўларди. Мавлудаой ёлғизгина қиз бўлса, ҳатто дадасиям кўнглига қараб, папалайди. Шу хотинини деб уч йилдан буён тирноққа зор, нимасига сийларкин. Қиш арафасида палон пулга олгандир... Ичидагисини ташига чиқармай, қизини овутган бўлди:

– Кўй энди, бирон марта яширса яширибди. Эртага биз ҳам энг сарасидан олиб келамиз.

Мавлуданинг қовоғи баттар уюлди. Шу пайт эшиқдан келини Муниса кириб келди.

– Менга берақолинг, аяжон, – дея лаганга қўл чўзди у. – Қолганини ўзим тўғрайман.

– Олмадан қолдими, келинпошша?

Қайнонаси охирги сўзга шундай урғу бердики, Муниса қўли муаллақ ҳолича қотиб қолди. «Вой шарманда, аям ҳам билибди-да!».

– Ўзи биттайди, ўғлиз...

– Ҳа энди ўғлимиз шунақа, сиз турганда бизни эслармиди.

– Ая, ҳафа бўлманг, ҳозир тушунтириб бераман.

– Ҳм, биз тушунмайдиган бўп қолдикми энди? Боринг, менга эс бўлгунча ишингизни қилинг!

Мунисанинг бирдан хўрлиги келиб кетди. Бола кўрмагани учун шунчалик тили қисқ бўлаётгани алам қилди. Изоҳ бериш ўрнига, беихтиёр ўпкалашга тушди:

– Битта олмага шунчами, ая? Шунгаям арзимадимми?

Қайнона бирпасда ловуллаб кетди. Шу баҳона туғмас келинидан бошлаб аламини олди. Аллақачон ҳайдаш керак эди аслида, бирон сабаб тополмаётганди...

Шу-шу иккисининг ўртасига совуқлик тушди, айниқса Саида опанинг арази асти ёзилмади. Ахийри бир кун Муниса оппоқ орзулар билан кириб келган хонадонидан боши эгик чиқиб кетди.

Орадан талай вақт ўтди. Саида опа ўғлига «яхши» келин излаб кўча кезиб қолган бир пайтда эса қуда томондан кутилмаган хушxabар келди: Муниса бошқоронғи эмиш!

Она ўғли ишдан келгунича бетоқат бўлиб, тинмай ҳовлининг у бошидан бу бошига бориб келарди. Асилбек дарвозадан кириб ўргурмай унга пешвоз чиқди-да:

– Суюнчи бер, ўғлим, суюнчи! Мунисахоннинг бўйида бор экан! – деди ҳовлиқиб.

Ўғил эсанкираб қолди. Ўзига келгунича аяси анча гапларни гапириб юборди-ю, ярми ҳам қулоғига кирмади. «Мунис, Мунисам, наҳотки?!». Гўё шу тобда кўнгил қуши «пирр» этиб кўксидан учиб чиқиб, суюкисининг ҳовлиси томон қанот қоққанди...

Оқшом пайти эса онасининг ёлғиз қолган фурсатини пойлаб туриб, ёнига келди.

– Ая, сизда гапим бор.

– Кел, ўтир. Фақат айтиб қўяй, иш-пишингни билмайман,

эрталаб ғизиллаб бориб Мунисани опкеласан.

Асилбек жавоб ўрнига бош ирғаб қўяқолди. Сўнг ўйчан гап бошлади:

– Ўшанда жанжалга сабаб бўлган олма... Сизга айтолмагандим. Дуварак олма эди.

– Қанақа?

– Дуварак дейишар экан-ку. Ишхонада бир опахонимиз бор, шунақа иримларга жуда ўч. Ўша кўни кичкинагина бир олмани бериб, шунақа деди. «Бу кеч кўзда бинога келган мева, хотинингга бер, есин, фарзандли бўласизлар», деб тайинлади. Бунақа мева дарахтнинг иккинчи гулидан ҳосил бўлармиш. Ўзиям тирноқдеккина экан. Аяжон, чўкаётган одам ҳасгаям ёпишаркан. Мен ҳам гўё шу билан армоним ушаладигандек, тушликка келганимда келинингизга берувдим. Уям уйга киргунча тоқат қилмай... Бор гап шу. Ўшанда айтсам бўларди-ю, фойдаси йўқ эди. Муниса боласиз барибир бу уйга сиғмасди.

Саида опа нигоҳини ерга тикканча жим ўтирарди. Бир қарашда ўйга толгандек, аммо ич-ичида туйғулари остин-устун бўларди. Ўзи-ку, Асилбегининг мушкулига бирон чора изламай қўйган, келинини ҳайдашдан ўзга муддаоси йўқ эди. Қолмишига ўғилгинасининг умидини бўғизлаган экан-да... Шу тобда гўё набирасининг вужудга келишига ўша дуварак олма сабаб бўлгану, Саида опа душманлик қилгандек изтиробга тушди.

– Ўғлим, – деди анчадан кейин сўник овоз билан, – эрталаб бирга борамиз.

... Авжи кўз арафасида, қуёш дуварак олмаларни-да тезроқ пишишга шошилтираётган кезде Асилбек ва Мунисалар қиз кўришди. Қош-кўзлари попукдек, юзлари эса нақш олма...

Оёғим ерга тегиб-тегмай касалхона ҳовлисига кириб бордим. Турмуш ўртоғимни даволанишга ётқизганимиздан бери шу аҳвол: югурганим-югурган, бир оёғим бу ерда, иккинчиси ишхонада. Ҳавотир силламни қуритди.

Палата эшигини очишим билан димоғимга дори ҳиди урилди. Хонадаги иккита краватнинг бирида ётган отахон саломимга алик ола туриб билагидаги пахтани босиб ўшлаганча ёнбошлашга уринди.

– Безовта бўлманг, отахон. Шеригингиз...

– Аллақандай текширув учун қон олгани чақиришганди, ҳозир келиб қолади, қизим, ўтириб туринг.

Қўлимдаги юкни қўйиб, курсига омонат чўқдим. Миямда минг хил савол: яна қанақа текширув? Кечагиси яхши чиқмадимикин? Операция муқаррарми?

– Тоза-а чарчабсиз-а, қизим? – гап қотди отахон, унинг борлигини унутаёзган чоғимда.

– Ҳа, энди...Тузалиб кетса бўлди.

– Иншоолло, сиз яхши ният қилинг, кучли бўлинг, зинҳор тушкун кайфиятда юрманг, жигару қариндошлар ўз йўлига, одам ҳамиша жуфтига суянади.

Кўринишдан камгап, одамовироқ отахондан, тўғриси, бунақа гапларни кутмагандим. Лекин жимгина бош ирғаб эши-таётганим бу сўзлар айни дамда шикаста дилимга малҳамдек ёқар, неча кунлардан буён руҳиятимни остин-устун қилиб тўрт тарафга бирдек эсаётган шамол аста-секин шаштидан тушаётгандек эди.

– Э, қизим, айтсам биров ишонади, биров ишонмайди.

Бундан йигирма йиллар илгари аянгиз ўпка силига мубтало бўлган. Дўхтирлар «унчалик оғирмас, тузатворамиз» дейишди-ю, кўнглим таскин топмади. Биламан-да, барибир бунақа дард одамни ярим жон қилиб қўяди. Болаларимнинг онаси ҳаммадан кўпроқ менга керак, давосини ўзим ахтараман, деб аҳд қилдим. Ошпазликдан яхши топардим, йиғиб қўйган чақаларимни белга тутдим, қайдасан Сахалин деб йўлга чиқдим.

– Сахалин? Ҳуув ўша...

– Ҳа, худди ўша, дунёнинг нариги бурчидаги совуқ ўлкага. Кўпни кўрган кексалардан суриштираман, энг иссиқ ёғ оқ айиқники, дейишди. Ўзиям эллик даража аёзда муз тагида сузиб юради-да, қуриб кетгур. Сўраб-сўраб Маккатиллони топганлар. Самолёт борми, паром борми, ит қўшилган чана дейсизми, илиниб-илашиб юриб бир ҳафтада манзилга етдим. Ана совуғу, мана қор! Ўзиям тирикчиликлари оқ айиқ билан экан: кийим-бош, кўрпа-тўшагу наmatнинг бариси шу жониворнинг терисидан. Бутунлай нотаниш оламга тушиб қолгандим. Ўша сафарим таассуротлари ҳақида соатлаб гапиришим мумкин. Лекин менга қаттиқ таъсир қилган воқеа ҳақида айтиб бермоқчиман.

Курсига жойлашиброқ ўтирдим. Бу ҳикоя оҳанрабодек ўзига тортар, янги бир ҳаёт китобини муаллифнинг ўзи варақлар, энг қизиқ саҳифа сари етаклаб бораётган эди.

– Икки кеча бир овчиниқида тунадим. Дастлаб ўша дўнгликка эътибор ҳам бермабман. Бу ҳақда мезбоннинг ўзи, мен оиласи ҳақида сўраганимда айтиб қолди. Ўн йил олдин вафот этган турмуш ўртоғини уйдан олис бўлмаган жойга дафн этган экан. Биласизми, у ерлар теп-текис музлик, атроф қордан иборат. Жасадни ҳам ерга эмас, музга беришар экан. Бир умрлик ҳабибини ўзидан олислатгиси келмаган овчи уни уйи яқинига кўмиб, устига йирик муз ҳарсангдан белги қўйибди.

Лекин эртаси куни... Нонуштадан сўнг оёғимнинг чигилини ёзиш учун ташқарига чиқдим. Бу ерда томоша қиладиган

манзаранинг ўзи йўқ эди. Дафъатан кеча овчи айтган «қабртош»га кўзим тушиб, беихтиёр ўша томон қадам ташладим. Қорни ғарч-ғурч босиб яқинлашарканман, шууримда алланечук ғалати туйғу уйғонди. Ҳар қалай қабр, эҳтимол нотаниш беканинг руҳи шу атрофда кезиб юргандир... Унинг қошида турарканман, ғайриоддий шаклу-шамойили эътиборимни тортди. Қизиқ, нимагадир шу бесўнақай муз парчасидан маъно ахтаришга тушдим. Нимага? Қайдам, инсоний меҳр тимсоли бўлмиш шаффоф сағанада қандайдир ифода зоҳирлигини юрагим сезгандир? Ҳа, бу шунчаки муз парчаси эканлигига ишонгим келмасди. Унга тикилган сайин кундузги ёруғликда хиёл йилтиллаётган шакллар яхлит қиёфага бирлашаётгандек туюлди. Овчи ёнимга келганини эса сезмай қолибман.

– Мен уни ҳар куни шу туришда кўрардим, – деди у бамисли шивирлагандек. – Эшикни очиб кирганимда ҳудди шу ҳолатда, майин жилмайиб қарши оларди. Менинг Муттам. Умрининг тенг ярми шу машғулот билан, тери ошлаган куйи мени кўтиб-кузатиб ўтган...

Бу сўзларнинг маъзини чаққаним ҳамона улкан муз бўлагидан кимдир менга қараб турганини ҳис этдим. Вужудим жимирлаб кетди. Во ажаб, ахир бу ҳайкал-ку! Тери ошлаётган аёл ҳайкали! Ана унинг қўллари, юзи, табассуми, қийиқ кўзлари. Буларнинг барчаси бир-бир намоён бўларкан, нигоҳимни ундан ўзолмай, сеҳрлангандек қарахт турардим. Бирдан ҳайратим ичимга сиғмай кетди:

– Бу мўъжиза-ку ахир, мўъжиза! Сиз...

– Нима деб атасангиз атайверинг, – ҳамон маънос овозда давом этди овчи. – Мен ўсиз яшашга жуда қийналдим. Юрагим суғуриб олинди гўё. Ҳар куни шу ерга келиб, хаёлан у билан дийдорлашардим. Музга юзимни босиб, қайноқ ёшларим билан бағримни тилардим. Бир куни муз қирраси юзимга ботди. Мўъжаз чўкич ёрдамида текислаб қўйдим. Кейин унинг ёнидагисини, сўнг яна бошқасини текисладим. Шу билан оз бўлса-

да, кўнглим таскин топгандай бўлди. Эртаси эса қўлларим ўз-ўзидан ишга киришди. Бу қанчалар аҳамиятсиз бўлмасин, сеvimли, қадрдон инсоним учун нимадир қилаётганимни туйиш менга тасалли берарди. Кунлар, ойлар ўтаверди, вақт топдим дегунча музни йўнавердим. Инсон сиймоси қачон ҳосил бўлди, билмайман. Бунинг ўз-ўзидан, беихтиёр бўлганига ишониш қийин, сизга эриш туюлар, лекин бу ҳақиқат. Мен эгилиброқ ўтирган одам қиёфасини англаган онимдаёқ бу менинг Муттам эканига шубҳа қилмаганман. Тушунапсизми, мен уни ясамадим, у ўзи намоён бўлди! Унинг чехраси, сочлари, бармоқларини тўсиб турган муз парчаларини олиб ташласам бас эди. Қўлларимни қандай илоҳий куч бошқарди, билмайман, лекин бунинг уддаладим. Ҳа, умрида тузукроқ расм ҳам чизиб кўрмаган бир оми овчи қандай қилиб... Ўзимнинг ҳам ақлим бовар қилмайди. Бироқ муҳими бу эмас. Муҳими-мен у билан биргаман... Отаҳон жим қолди. Хонага чўккан сукунат ҳайратнинг сўзсиз ифодаси эди.

– Қизим, нимасини айтай, бу овчининг шоҳ асари эди! – дея ҳаяжонда ориқ қўлларини чойшаб ичидан чиқарди отаҳон. – Балки у қадар мукаммал эмасдир, бироқ «Тери ошлаётган аёл»ни фақат Тожмаҳал билан қиёслаш мумкин! Умримиз давомида биз билиб-билмай шоҳ асарлар яратамиз. Баъзан ўйлаб қоламан – балки рафиқам менинг шоҳ асаримдир? Дарвоқе, аянғизни айиқ ёғи билан шундай даволадимки, дардидан ном-нишон қолмади. Худди шу гапни кутиб пойлаб тургандай эшик очилиб, бир аёл кириб келди.

– Ие, ана ўзлари! – мамнун жимлайди отаҳон. – Аянғиз билан та-нишинг, қизим.

Тўладан келган қомати тетик, сочларига хиёл оқ ораласанда ўктам, икки юзи кип-қизил онахоннинг бир пайтлар силга чалинганига ишониш қийин эди.

О, меҳрининг қудрати, муҳаббатнинг илоҳий ҳосияти! Ўша куни руҳим енгил, қадамларим дадил қайтар эканман, шу покиза туйғуларнинг борлигидан шукурда, шодумон эдим.

ДИЙДОР

Раҳим ота аҳволи ҳар кунгидан ҳам оғирлигини эрта-лабданоқ сезганди. Намозшомга яқин нафас олиши ҳам қийинлашгач, кун бўйи дилидан тилига кўчмаган гапини айтиб, кампирига «ёрилди»:

– Нодирни айттир, Нортажи. «Ота» демаса ҳам майли, дийдорини бир кўрай, қиёматта қолмасин. Вақти соатим етти чоғи...

Нортажи буви «қўйинг, отаси», дея ғулдираб йиғлаганча нари юрди. Зум ўтмай кимдир дарвозадан шитоб билан чиқиб кетди. «Эркин ўзи боради шекилли, – хаёлидан ўтказди ота. – Ишқилиб бошлаб келсин-да...»

Азойи баданини зирқиратган оғриқ кучайгандан кучайиб борарди. Кампири ҳам кўнгли бир нимани сездимиди, қошидан жилмай ўтириб қолди. Набиралар оёқ ўчида юриб кириб-чиқишар, ҳамманинг хаёли бир савол атрофида чарх урарди: «Келармикин?»

– Хаяллаб қолишдимиди? – хансираганча кампирига қаради ота.

– Анча йўл-ку, етиб келгунларича сабр қилинг-да.

Нортажи буви чолига таскин бериш учун айтган важидан ўзи ҳам хижолат тортиб, кўзларини ерга қадади. Раҳим ота индамади. Аслида Нодирнинг уйи икки қадам жойда. Ўн йил бўлди кўчиб чиққанига, шу-шу туғилиб ўсган уйига қайтиб қадам босмади. Наҳотки отанинг гуноҳи шунчалар оғир бўлса?

...Уларга яратган шу иккитагина фарзандни раво кўрди, қолганлари ёшига ҳам етмаган... Барибир куну тун шукрда бўлдилар, тирноққа зор эмаслар ахир. Фақат катта ўғли Эркинжоннинг кўзлари нуқсон билан туғилди – қорачиғи нуқул

тепага тортилиб кетар, шомдан кейин деярли кўрмай қоларди. Начора, дардни Худо беради. Яхшиям бахтларига Нодиржонлари соғ-саломат, ерга урсанг осмонга сапчийдиган чапдаст чикди. Акасининг кўз нури, отанинг жонига оро бўлди бу бола. Бир-бирининг камини тўлдириб, улғайиб элга қўшилдилар. Эркиннинг ҳам тенги топилди, ахир тим қора кўзларининг пирпираб туриши бўлмаса, одамнинг суқи кирадиган йигит. Хуллас, оға-ини бирин-кетин оилали, бола-чақали бўлдилар. Фақат набиралар кўпайган сари кенг ҳовли торлик қилиб қолди. Қолаверса, ҳали болаларнинг талаш-тортиши, ҳали келинларнинг ғиди-бидиси...

Бир қозонда икки қўчқорнинг калласи қайнамаслиги тайинда. Деҳқончиликнинг даромади яхши бўлган йили Раҳим ота ўғилларини қошига ўтқазиб, гапни дангал қилди.

– Бир умр битта ҳовлида тикилиб яшолмаслигимизни биласизлар. Имкон борида қўшни маҳалладаги Турғунали сотаётган уйни олсак. Шунга нима дейсизлар?

Ота кўзлаётган ҳовли чоққина, бунинг устига ташландиқ, нураб турган бўлиб, боғ-роғли ўз уйлари олдида анчагина хароб эди.

Нодир отасига ер сузиб қаради.

– Ким кўчиб чиқади ўзи?

– Акангдан кўра... Сен чиқасан-да ўғлим. Кўплашиб у ёқ бу ёғини тўзатамиз, ташлаб қўймаймиз.

Нодирнинг кўзлари олайиб кетди.

– Нечук, ота, ҳовли кенжа ўғлига қоларди-ку?!

Бу таъна отанинг юрагига тигдек ботди. Наҳотки шу гапларни суянгани, ишонгани Нодир айтяпти? Яна акасининг олдида-я...

– Нодир! Бас қил!

Раҳим ота бошқа сўз тополмади. «Аканг ногирон, қолаверса бир этак қизи бору ўғли йўқ. У бизга мухтож», деб Эркинни баттар ўкситкиси келмади. Нодир эса тушунишни истамади. «Эскини эпқага келтиргунча жигарим эзиларкан-да!» деганча

даст туриб чиқиб кетди. Эртаси яна шу мавзуда бахс борганда Раҳим ота Нодирнинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Шу бўйи у отасидан аразлаб юрди. Уйни сотиб олдилар. Duo бериб, кўчирдилар, лекин отага бир оғиз сўз раво кўрилмади. Эркин эзилиб юрди. Нортожи хола ўғлининг феълини юмшатаман деб эси кетди. «Ёшлиқ қиляпти, вақт ўтиб, хатосини тушуниб узр сўрайди, отадан аразлаб қаёққа борарди» – ҳамма шу фикрда эди. Аммо орадан вақт ўтди ҳамки, унинг муз юраги асти эримади. Ўн йил гина қилиб юрди-я, ўн йил! Раҳим ота аввалига кутди, сўнг жаҳл қилиб, ўзи ҳам юз ўгирган бўлди. Бироқ соғлигининг мазаси бўлмай, дунё кўзига ғанимат кўриниб қолганидан буён бориб оёғига бош уришга ҳам тай-ёр аҳволга тушди. Оғриқдан тинкаси қуриб, ишга мадори қолмаган шу тобда куч-қувватининг борида ўзи бориб ярашиб келмаганига афсус қиларди. Ота кампирининг бир-икки марта ўғринча бориб келганидан зимдан хабар топган, лекин маҳалла катталарининг ҳам Нодирнинг остонасидан «Суф сенга-ей!» деб қайтганларини билмади. Билганида бунчалар кўз тикмай, умидини узиб қўя қолармиди...

– Дада...

Ёнига чўнқайиб ўтирган Эркиннинг кирганини сезмаган экан. Бошини аста буриб, унга қаради-ю, юраги увишиб кетди. Ўғли гўё озиб, елкалари чўкиб қолгандек туюлди. Шўрлик, унда нима айб? Мижжалари намми?

– Ўғлим, қўй, сиқилма.

Эркин кўз ёшларини яширишга уринди, бу ҳолати отага янада аянчли кўринди. Ҳаяжонланганда шунақа тинмай пир-пирайди кўзлари. «Жоним садаға сенга, нуридийдам», безабон нола қилди ота. Сўнг синиқ, шикаста овозда сўзлади:

– Нодирнинг келмаслигини билардим, кўп куйинма, аммо сен мендан кейин ундан гина қилиб юрма. Жигарсиэлар. Мен иккингиздан ҳам...розиман. Ундан ҳафамасман, Худо ўзи паноҳида асрасин. Розиман...

Бу отанинг сўнги сўзлари бўлди.

«Отанг тилдан қолди, Нодир, бор!» У келмади.

«Бир кўзи юмилмаяпти, сенга илиняпти, бор!» Нодир келмади.

«Ўғил бўлиб тупроғига қўл теккиз, бор!!!»

У келмади...

... Чойхонада гурунг қизиган. Пайров авжига чиқай деб турганда ҳовлиқиб келиб даврага қўшилган Маҳмуд уста ҳамманинг устидан совуқ сув қуйгандек бўлди.

– Эшитдингларми, Нодир ростданам «қорасон» бўлган экан. Иккала оёғиниям кесиб ташлашибди!

– Ў-хў, ёмон бўпти-ю.

– Шўри қурибди-да!

– Худо жазосини берибди!

Охирги жумлани айтган Ниёз бобога қараб ҳайрон қолдилар.

– Ҳа, гапим нотўғрими? Икки кўча наридаги отасининг дийдорига ошиқмаган оёқлар юришга ҳақлимиди ўзи?

Ҳамма оғир ўйга чўмди. Бироқ ҳеч ким эътироз билдирмас, маъқуллашга эса журъат қилмас эдилар...



Туни билан мижжа қоқмади. Белидаги сим-сим оғриқ ҳарчанд зўраймасин, бугунги қалб азоблари олдида ҳеч бўлди. Яна жоҳил эрининг эрталабки авзойи кўз олдига келди. Яна ўша аччиқ сўзлар тиғи юрагига қадалди...

– Ҳалиям ивирсиб юрибсанми? Болаларинг қани?

– Далага кетишди.

– Сен-чи?

– Бугун ярамай қолдим. Белимга яна қаттиқ оғриқ турди.

Духтирлар...

– Ҳе ўша духтирларингниям... Ўн кунлаб нимага олиб ётишди тузатишолмаса?!

– Ахир тошни тушириш осон эмас экан-да. Ё операция қилиб олдириш керак экан.

– Қайси пулингга? Битингни сотасанми?

– Мен ҳам ўша пулни ўйлаб даволаш йўли билан туширишни танладим. Лекин бунинг учун режим сақлаш керак, дейишган.

– Нима? Қанақа режим? Калланг ишлайдими сенинг? Далада шунча иш туриб, сен чўзилиб ётасанми?

– Нима қил дейсиз? Ахир мен атайлаб...

– Э, йиғиштир минғир-минғирингни! Сенинг баҳоналаринг тугамайди ўзи. Билиб қўй, менга касал хотин керакмас! Ё бор бўл, ё йўқ бўл!!!

Оҳ, бу сўзлардаги таъна, нафрат, ғазабнинг ҳисоби бормикин? Кун бўйи бағрихун, йиғлаб-сиқтаб ҳовлида ғимирлаб юрди. Кечқурун эри на ҳол сўради, на гаплашди. Ўзи духтирга яна бир кўриниш ҳақида оғиз очганди, силтаб ташлади:

– Билганингни қил! Сенсиз ҳам ишим бошимдан ошиб ётибди!

... Нафиса кўз ёшларини шахд билан артди. «Билганимни қиламан! – қатъий ҳулоса қилди. Акамдан пул олиб яна даволанишга ётаман. Тош тушмагунча ётавераман!»

Тонгда йўлга отланди. Ўйлаб кўрса, шу пайтгача акамга оғирим тушмасин, деб кўп нарсадан воз кечган экан. Мактаб ёшида отаси, институтга кирган йили онаси вафот этди. Акам қийналмасин деб, ўқишни ташлаб, ишга кирди. Обрўли кишиларнинг фарзанди билан севишди, лекин кейин рад этди, яна ўша истиҳола – «акам қийналмасин». Кам-кўст билан ўсган одми бир йигитга узатишди, кўнди. Сепининг бир қисмини келинойиси минг макр ишлатиб олиб қолди. Индамади. «Акам сиқилмасин», деди. Ота уйдан битта хас олиб чиқмади, уй ўғилники бўлади, майли деди. Мана энди чорасизликдангина ёрдам истаб бораётир. Минг қилсаям жигар, эркак киши-ку, бир йўлини қилар. Келиб-келиб унга ёпишмаса бўларди, бу дард деган бало. Иши қайнаган ҳовли, бир этак бола, инжиқ эр... шунча ташвишдан ортиб даволаниш осонми?

Остона хатлаб, келин аясининг дийдиёси устидан чиқди.

– Бу юришда бирингиз икки бўлармиди! – шанғиллаган овоз келди даҳлиздан.

– Ё яна Шавкатим юборган пулга ишонапсизми? Айтиб қўяй, у пулдан умид қилманг. Болагинам ёт юртларда қийналиб юриб топган, келиб ўзига ишлатади. «Матиз» оламан деган. Ундан кўра боринг, қолганиниям қистаб олинг!

Иккинчи томондан садо чиқмасди. Нафиса бир муддат ўйланиб қолди: акаси борми ўзи? Бу туриши ўзига эп кўринмай, томоқ қириб ичкарилади.

– Ие, Нафис келди!

Аканинг кўзлари чақнади, келинойининг-да чиройи очилди. Гарчи кўнгли баттар қоронғулашган эса-да, Нафиса улар билан ширин суҳбатга берилди. Келин аяси чой дамлагани

чиқиб кетганида эса ўз дардини айтиш ўрнига, акасининг ботиқ кўзларидаги ташвиш нима эканлигини билгиси келди.. Бояги ғалванинг боисини сўради.

– Шерикларим билан Зокир отанинг эски уйини таъмирлагандик, шуни пулини... – каловланди ака. Биласан, ўзи ногирон, яқинда кампири ўтиб қолди. Ўғли эса ҳалигинақа, довдирроқ. Шундан оладиган ҳақимнинг ярмидан кечувдим. Келинойинг-ни биласан-ку, балога қолдим. Савобни биладим бу...

– Вой акажон-ей, ажойибсиз-да, – меҳри ийди Нафисанинг.

– Шунақа дейсан-у, энди очикқўллимнинг жабрини торт-япман. Бориб сўра деб...

Хотинининг қадам товуши эшитилгач, аканинг сўзи бўғ-зида қолди. Нафиса ўзининг дардини унутиб, жигарига ачина кетди. Унга қанчалар қийин...

– Ўзи соғлигинг дурустми, Нафис?

Ака бу саволни азбаройи синглисининг соғлигига қизиқ-қанидан эмас, гапни тезроқ умумий мавзуга буриш учун берганини Нафиса ҳис қилиб турарди. Ўзи ҳам шунга яраша жавоб берди.

– Тузукман.

Шундай деди-ю, беихтиёр қўшимча қилди:

– Лекин, яна бир илож қилиб даволаниб чиқмасам бўлмай-диганга ўхшайди. Шароитта қараб юраверсам, аҳволим ёмон-лашяпти.

Нафиса акасининг кўзларида меҳр жилваланганини, бир нима дейишга тараддудланганини кўрди, аммо келинойиси шундай маҳорат билан гапни илиб кетдики, иккиси ҳам жим қолди.

– Ҳозир ҳамма касал, Нафисой, – қош чирмирди у, юзига жабрдийда қиёфасини бериб. – Мана мен, уззу-кун бошим оғрийди. Дамба-дам кўнглим беҳузур бўлиб, бошим айлана-ди денг. Давленим бор-да. Агар текширтирсам борми, дунё-нинг ҳамма касали мендан чиқса керак. Ке, ўзи қийналиб тур-

ганимизда мен ҳам сарф чиқармай, деб юравераман.

Нафиса унинг ширмой юзлари, сузук кўзларига қараб ўйга толди: «Қайси шайтон қавмидан экан-а, бу аёл? Ҳали пулдан оғиз очмасимдан олдимни тўсиб қўя қолди-я. Шунга чидаб келаётган акамга раҳмат». Яна ақасига ачинди. Ака эса ундан кўзларини олиб қочди.

Бермаснинг оши пишмас – ҳар галгидек Нафисани «қуруқ» чиқаришди. Йўл бўйи ўзини қойиб келди: «Бекор келдим. Акам дардимни сезди, энди ичидан эзилади. Ишқилиб, боши омон бўлсин. Озиб кетибди, шўрлик...»

Ўзи чопқиллаб ўсган кўчадан бир-бир босиб бораркан, қадрдон нималарнидир излади. Нималарнидир... Ленин энди ҳаммаси бошқача. Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи, демак, бу кунлар ҳам ўтиб кетади.

Сўнг ўзига таскин берди: «Дардини берган эгам шифосини ҳам берар. Нега энди ёрдамни худодан эмас, бандаларидан сўраяпман-а, ўзидан қолмайин».

У қадамларини тезлатди. Иши қайнаган ҳовли, бир этак бола ва инжиқ эри томон шошилди...



«Россияга борганим бўлсин!» Нўъмонжон бу сафар қатъий аҳд қилди. Аслида-ку, сочига оқ оралаб қолган кезида ўзга юртда сарсон бўлгиси йўқ эди. Бировдан кам, бировдан ортиқ дегандек, туппа-тузук яшаб туришганди. Қизига анчадан бери оғиз солиб юрган қўшни маҳаллалик Саттор сомсапазнинг совчилари патир синдириб кетишди-ю, эр-хотиннинг юрагига гўлғула тушди. Айниқса, хотинининг дийдиёси тинмайдиган бўлди. «Уларнинг улари ундоқ, юришлари бундоқ, тағларида «Нексия», бизда бу аҳвол...».

Ҳой барака топгур, шунчалик баланд дорга осилиб нима қилардинг, қайтарсанг бўларди-ку, дейдиган одам йўқ. Ўзи гапирай деса, қизининг ўша сомсапазнинг ўғлида кўнгли борлигини билади. Буни ўтган кўзда, йигит ҳарбий хизматга отланган пайт сезган. Тўғрироғи, хотини шунга шаъма қилгандек бўлувди. Мана энди армиядан қайтишига салкам беш ой борлигига қарамай, қўярда-қўймай унаштириб кетишди. Шунда тинчиб ўтиришармиш. Уларку, тинчишди. Лекин Нўъмонжоннинг оромини олиб кетишди. Салиманинг топган гапи шу.

– Яхшиям анча вақтимиз бор, ҳаракатимизни қилиб қолайлик, – деб қолди бугун ҳам эрталабда. – Дарвозахонани кенгайтириш керак, тўртта одам тенг кирса туртинади. Молхонани ўнглаш керак, одамларнинг кўзи тушади. Мебелнинг тозасини қилмасак уят, казо-казолар киради қудангизникига.

– Энди-и, қўлдан келганча қиламиз-да, – Салиманинг гапини кесди у. – Ишқилиб, Сатторга тенг келаман деб белим синмаса гўрайди.

– Маҳкамроқ боғлаб олсангиз синмайди, – тагдор киноя қилди хотини. – Ўзларидан қиёс: кечагина бизга ўхшаб ўчини учига ўлаб яшаб юришувди. Саттор ака Россияга қайтнайдиган бўлди-ю, пичоқлари мойга ботди.

«Ана, муддаога ҳам ўтдилар!».

– Худо берса ҳеч гап эмас. Узоққа бормай қўшнимиз Толиб-жонни олинг. Уч ойда битта ўйнинг пулини қўлтиққа уриб келди. Юрувди, қора ёққа ботиб. У ёқда битта супер машинани тузатса минг-минг кўкидан топар экан. Ээ, ўзи ҳозир пул топа-ман деганга Россияга боришдан яхшиси йўқ.

Қолганини Салиманинг кўзларидан ўқиб олди: «Тўрт мучангиз соғ, сиз ҳам мундоқ кўтарилиб, борсангизчи?!» Нўъмонжон эса кўнглидаги «мен на ошпаз, на устаман, тил билмасам, ҳисоб-китобдан бошқа ҳунарим йўқ. Ҳор бўламан-ку!» деган сўзларни айтгани юраги бетламайди.

– Қурилишга борганлар ҳам зўр топишаркан. Кунлар илиб қолди, ҳозир роса кетишяпти. Али аканинг ўчови ўғлиям жў-наяптийкан.

«Сен ҳам ўғил туққанингда ҳозир жўнатган бўлардим!» деворгиси келди-ю... лекин гапни шу хотин деганларига чиқарган-да. Билмаган балоси йўқ буларнинг. Қанақа иш бору, қанча тўлашигача суриштириб қўйибди. Индамай қараб турса, шу ўтиришда қўлига самолёт чиптасини тутқазадиган.

– Қурилишнинг иши оғир, жигари эзилиб кетади одамнинг, – тўнғиллади ниҳоят оғиз очиб. – Айтишга осон.

– Жигар эзилмаса пул ҳам топилмайди-да, дадажониси.

Уфф, келиб-иелиб шу пайтдаям ишсиз қоладими! Қаерданам ўша олифталарнинг ваъдасига ўчиб фирмага ўтди. Ҳайхотдек корхонадаги гулдек ишидан айрилди. Жуда катта бўлмасаям муқим маош эди. «Фалон сўм ойлик, фалонча даромад. Фирманинг бухгалтери бўлиш қаёда-ю, эскиб кетган заводнинг», деб бошини гир айлантиришди. Ҳали йўқ нарса экан, кўп ўтмай ўзини оқлолмай, ёпилди. Ўрнига одам олиб

қўйишганини биларди, заводга қайтиб боришга юзи чидамади. Шу-шу ўйда қамалиб ўтирибди. Айб ўзида, ёш боладек ғўрлик қилди. Хотинидан ўпкалаши ҳам нотўғри. Тўй қилишнинг ўзи бўладими. Айниқса қиз чиқариш... Сигир-бузоқларини сотиб, амаллаб узатсин ҳам. Орқасидан яна иккита қоракўзи етилиб турибди. Ҳалиям, катта қизи бор-йўққа кўнадиган. Ўртанчаси жуда ўткир чиққан, айтганини ипидан-игнасигача олдиради. Буёғига отни қамчиламаса бўлмас. Ҳа нима, қийналса шу дил-бандларини деб қийналар, ўзи шуларни деб яшаяпти-ку. Ҳа, бормаса бўлмайди!

Эндигина ўзини енгиб, хаёлан отланиб қолганда кечки пайт чойхонага борди-ю, таъби тирриқ бўлиб қайтди. Худди унинг қароридан ҳамма бохабардек, гурунг айнан шу мавзуга тақалди.

– Шерматнинг ўғли, ҳаҳ оти нимайди-я, – пешонасини тириштирди Карим ота, – ҳа-а, Тўхтамурод, ўшани бир чеченга сотворишибди. Ким бўларди, ҳалиги йўлбошчи аёл-да. Э, у хотинмас, нақ иблис экан. Икки ой деганда бир амаллаб қочибди-ю, ҳужжатлари қолиб кетибди. Хуллас, ҳозир Новосибирда бир кампирнинг ишларини қилиб, биқиниб ётганмиш. «Дод, нима қилиб бўлсаям опкетинглар», деб телефон қилибди.

– Бунақа шўри қуриганлар кўп. Султоннинг Ойбегини айтинг, – гапни улаб кетди Ҳусан почтачи. – Шу болани нимаси кам эди? Учинчи қаватдан оёғи тойиб йиқилиб, майиб бўлиб қайтди.

Нўъмонжоннинг томоғига суяк тиқилгандек бўлди.

– Тўланбойнинг Алишеридан умуман дарак йўқмиш...

Уйга базўр оёғини судраб қайтди. Шу гапларни хотиниям эшитсайди. Нега нуқул Салимага пўлни супуриб қайтганлар ҳақида гапиришаркин-а?!

Бу дунёда онадан яхши маслаҳатчи йўқ. Шу зотгина чин дилидан сен учун кўюнади. Эртаси укасиникига, ота уйига йўл

олди. Кўчага чиқибоқ, хотини ҳадеб мисол қилавериб жонига теккизган Толибжонга дуч келди. Қўшниси опасининг этагига ёпишганча инжиқлик қилаётган кенжатоийга парвона эди.

– Икки ойда танимай қопти, қаранг, – ўпкалаганнамо деди қўшниси. – Келганимдан бери қўлимга олишга зорман. Қант-қурс берсам отворяпти, ишонасизми. Дада демаяпти...

Укасиникига кириб борганда биров ишга, биров ўқишга кетиб, уйда келини ва онаси қолганди. Келин чойга уннаб ошхонага кириб кетгач, она-бола яна бошқатдан ҳол-аҳвол сўрашга киришдилар.

– Тузукмисан, намунча, кўзинг киртайиб?

– Йўғ-э, яхшиман, шу ... бир ўй билан... маслаҳатга келувдим. Мен ҳам четга ишлагани бормасам бўлмас-ўв.

– Ҳм-м...

Онаси индамай бош ирғаб турди-да, ўзича хулоса қилди:

– Салима роса гиж-гижлабди-да, а? Бу хотин тушмагур олдин нима эди-ю, тўй ваҳимасидан кейин нима бўларди!

Нўъмонжон хотинининг измидан чиқолмаётганини тан олгиси келмай, бошқа изоҳларни пайдар-пай тўкиб солди.

– Ўзим ҳам бошқа чора тополмадим. Биласиз, уйнинг чаласи бор. Гарнитур-парнитур дейдими-ей... Тўй кунги харажатлар...

– Ҳой бола, менга қара, – мактабдаги вақтида тергайдиган оҳангига ўтди она. – Тўй қилаётган битта сенми? Намунча пайтавангга қурт тушмаса? Сен тўйни бошлайвер, буёғига укаларинг бор. Қариндош-уруғинг ҳам қараб турмас. Ўзбекнинг тўйи азалдан кўпчилик бўлиб ўтказилган.

– Тўғрику-я, тўёна билан тўй қилиб бўлмайди-да.

– Ҳа-а, ҳозир ким ўзарга дастурхон ёзиш урф бўлган. Лекин бу билан ҳам қарзга ботиб, ҳам исрофгарчилик туфайли гуноҳга ботишларини ўйламайдилар.

– Менга қўйса-ку, камчиқимроқ қилардим. Қуда томонинг олдида ғариб туюлиб қоламизми, дейман-да.

– Сениям Салимадан фарқинг қолмабди! Шу гапимни унут-

ма, олисдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши. Меҳнат қилган шу ерда ҳам топади. Ўз юртингдан қолмагин. Барака оёғинг остидадир балким?

Сўнг аразлагандек бироз жим турди-ю, бирдан кўзига ёш олди.

– Пишиб турган меваман, болам. Қачон, қай соат тўкиламан, Худо билади. Сен келгунча «пақ» этиб...

Нўмонжоннинг юраги увишиб кетди. Онасининг ажинли юзи, ёшларини авайлаб артаётган қоқсуяк қўллари, чаккасидаги қордек оқ сочларига тикилди. Ростданам, жуда кексайиб қоптилар. Наҳотки, ҳозир кетгудек бўлса, онажонисини қайта кўрмаса?!

Охир-оқибат кўндириб, дуо олиб қайтди. Уйга келибоқ Салимага айтишга жазм қилганди, лекин нимагадир журъати етмади. Хотинига айтса тамом, ортга қайтиб бўмайди. Ҳамон иккиланиб, ичи эзилиб кунни бесамар ўтказди. Тун уйқуси беҳаловат бўлди. Шу асно беқарорлик билан бир ҳафтани ўтказиб юборди. Бир кунни тонгда дарвозасини очиб, завод директорини кўриб ҳангу-манг бўлиб қолди.

– Бизни доғда қолдиргандингиз, – деди раҳбар, узоқ омонлашгач. – «Нўмонжон ака энди қайтмайди, айб ўзимизда, яхши кадрга эътибор қилолмадик, рағбатлантирмадик», деб юрувдик. Кечагина ишламай ўтирганингизни эшитиб қолдим. Бу нима қилганингиз?

– Ҳа энди...

– Майли, гап бундоқ. Ишхонада ўзгаришлар кўп. Янги технологиялар ўрнатдик. Иш кўпайиб, маошлар ҳам шунга яраша кўтарилди. Ҳуллас, оёғингизни ерга теккизмай олиб кетгани келдим. Бўлимга бошчилик қиласиз. Бундан ташқари, аудиторлик хизмати ҳам бор сизга. Отланинг, бизга жуда кераксиз!

Нўмонжон ҳануз безабон турар, худди тушга ўхшаган кечинмалар ичра онасининг «Олиснинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши, ўз юртингдан қолмагин» деган ғойибона овози келаётгандек туюларди.

У дераза пардасини четга суриб, чўғдек қип-қизил уфққа термулиб қолди. Туя ўркачига ўхшаш адирлар ним қизғиш товланар, тепароқдаги бир тутамгина адашган булут ҳам пуштиранг кўринар эди. Қанийди, ҳув ўша гўзаллик бағрига сингиб кетса-ю, намозшомда кўксига бир қучоқ бинафша босиб қайтса. Кечаги туши ўнг бўлиб қолса қанийди! Адирга кийикдек сакраб чиқди ўзиям. Атроф кўм-кўк майсазормиш. Ялангоёқ чопаётган эмишу, товонини ўт-ўланлар ёқимли қитиқлармиш. Тўшида бўлса ҳам, илк бор оёқларини ҳис қилди. О, бу нақадар ҳаловатбахш эди! Бинафша тераверди, тераверди. Кейин бирдан... қуёш билан юзма-юз келди. Неча йиллик ҳамдарди, ҳар кунни деразасидан ботишини кузатадиган офтоб рўпарасида турарди. Бирам уни қучиб олгиси келди-ки!

– Ботмай тур, Қуёшжон, ботмай тур! – дея ўша томонга елдек учди. Ойиси уйғотмай турганида, етиб ҳам борармиди...

Ҳабиба бир хўрсиниб, токчадаги китобни қўлига олди. Ҳар сафар кўнглининг туб-тубидаги мудроқ армонлар уйғона бошлаганида мутолаадан таскин топади. Мана, у ўқияпти. Секин-аста тор ҳужра деразаси олдидаги маконидан ҳаёлан ўзилиб, олис-олис, ўзга оламларга сафар қилади. Эсини таниганидан буён ўтирган ногиронлик аравачаси, сим крават, дори солинган қути – ҳаммаси ортда қолиб, унутилади. Яхшиям шу китоблар бор! Шўкурки, юриш насиб этмаганига яраша уйғоқ қалб берибди яратган. Шу дафтарга тўкиб солмаса, ўн олтинчи бақори ғуж-ғуж куртак ёзган қизгина дарёдек тошқин туйғуларини қайга сиғдирар эди?..

– чироқни ёқиб қўяйми, қизим?

Эшиқдан мўралаб турган ойисига «ҳа» ишорасини қилди-да, қўшиб қўйди:

– Бу китобни тугатдим. Бошқасини олиб беринг. Шеърлар бўлса яхшийд.

Ойиси жавондаги зич қаторлар орасидан қизил филофлисини сўғуриб олар экан, сўз қотди:

– Кўзинг толмадим, дам олсанг бўларди.

– Ҳозир, яна бир оз ўқий.

– Майли, – жилмайганча китобни узатди ойиси. – Барака топсин ўша шоир бола. Ажойиб китоблар совға қилибди-я.

Ҳабибанинг аъзои-баданига илиқ қон юғурди. Ҳаётида яқиндагина содир бўлган энг катта ҳодиса такрорланаётгандай кўнгли яйраб кетди. Ўша дақиқалар лаззатини яна туйгандек бўлди.

... – Она қизим, сени йўқлаб келишибди.

Дадасининг сўзларини эшитибоқ «тенгдош дутоналаримдир» деган хаёлга борди. Ўзини ўнглаб улгурмай остонада баланд бўйли, ўктам бир йигит пайдо бўлди. Икки қўлида дасталаб боғланган китоблар.

– Ким экан деб ҳайрон бўлаёттандирсиз-а, синглим, – деди у саломлашгач. – Мен Зуфаржонман, сиз мактуб ёзган шоир.

Ҳабибани шундай ҳаяжон босдики, тилига бир оғиз сўз келмай қолди. Наҳотки шундай одам...

– Кўп безовта бўлманг, – деди қайта-қайта рўмолини тўғрилашга уринаётган Ҳабибанинг қошига ўтираркан. – Хатингиз шунчалар самимий ёзилибдики, атай ўзим излаб келдим. Ўқишни, ёзишни мустақил ўрганишга иродангиз етгани барчамизга сабоқ бўлиши керак. Тўғриси, сизнинг мактубингиз олдида шеърларим ғариб кўриниб кетди... Кўп кечинмаларим юзаки, юрагимдан ўтмаган дардларни ёзган эканман. Сизга ҳавасим келди, чунки ҳаётнинг моҳиятини мендан чуқурроқ англаб экансиз.

Йигит тинмай гапирар, Ҳабиба эса сеҳрлангандек киприк қоқмай тингларди. Бу қадар самимий, маънили сўзларни биринчи бор эшитиши. Шу билан бирга йигитнинг майин овози, ўткир нигоҳи асир этган, наздида унинг тим қора тубсиз кўзларига чўкиб бораётгандек эди.

– Шеърларимга баҳо берганингиз учун раҳмат, – давом этди сўзида Зуфаржон. – Мана бу китобларни шахсий кутубхонамдан саралаб олдим. Сизга бўлган ҳурматимни шу тарзда ифодалашни маъқул топдим...

Ўша кундан бери кўксига нотаниш ва айни пайтда ғоят ёқимли бир изтироб ин қурди. Зуфаржон ҳақида ўйлайдиган бўлди... Шундай кўркам шоир йигит тўшакка миҳланган ногирон қизнинг тенги эмаслигини биларди. Фақат бу ҳақда ўйлагиси келмас, шунчаки хаёللардан таскин изларди холос.

У китобнинг янги варағини очди. Нигоҳлари у сатрдан бу сатрга кўчар, қалбини ўша кундан буён яшаб келаётган тотли ҳис оғушига оларди.

*«Сен қайдан биласан, балки кенг олам,
Шу мўъжаз қалбимга бўйлаётгандир».*

Ўша ширин, исмсиз тўйғу тобора борлиғига сингиб, кўнғил уйининг энг овлоқ бурчакларини-да ёритиб борди.

*«Сен қайдан биласан, балки мени ҳам,
Кимдир, қайдадир жим бўйлаётгандир...»*

Шуурида икки сўз қайта-қайта жаранг берди: «мени ҳам, мени ҳам...» Нима қипти? Зуфаржон ҳам Ҳабибани бир сония ёдга олган бўлиши мумкин-ку ахир? Ҳабиба ҳар лаҳза, ҳар нафас уни яна бир бор кўриш, кўзларига яна бир термулиш учун яшаяпти-ку! Унга нимадир бўляпти, нимадир бўлди! Нега хаёллари ўзига бўйсунмаяпти? Нега лаблари телбаларча унинг исмини айтаяпти? Етмиш икки томирида гупираётган нима?

У кўзларини юмиб олди. Бир ҳовучгина, хаста, рангтар жуссада буюк пўртана жунбушга келганди. Гўё шу тобда нимадир рўй берадигандек, юраги ҳапқириб кетди. Бу ҳол қанча

давом этди, билмабди. Китобнинг ерга «тап» этиб тушиши уни қуршаб олган туманни туйқус тарқатиб юборди. Манглайда- ги муздек терни артаркан, титроғини босишга ҳарчанд урин- ди. Аравачанинг пойига тушган китобни олишга жазм қилиб, аста энкайди. Қўли етмади. Янада зўр бериб чўзилди – ўзи олиши керак, ўзи! Шунчалар зўр бердики, ҳатто... Ҳабиба эн- гашган кўйи тошдек қотиб қолди. Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Унга шундай туюлди чоғи. Ўша қайсарона ҳаракатни яна так- рорлашга аранг куч топди. Шунда... қимир этмай осилиб турган оёқларининг бармоқлари баб-баробар юқори томон ҳаракатга келди.

Ҳабибанинг боягина қинидан чиққудек урган юраги бир зумга тўхтаб қолди. Ишқилиб, бу туш бўлмасин! Ишқилиб, уйғониб кетмасин! У энди ўтирган жойида шунча йиллик уйқудан уйғонаётган аъзоларини қимирлатишга уриниб кўрди. Ниҳоят, бармоқлари бирин-кетин қўзғала бошлади.

– Ё Худойим... Ана... ана... Ё Худойим!

Селдек ёпирилган кўз ёшлари юзини ювар, чиндан-да шу он бутун олам ва шу олам ичра энг қадрдон кишиси унинг ши- каста қалбига бўйлаётгандек ади.

...Күёшнинг сўнгги шуълалари ҳам адир ортига ғарқ бўлди. Бироқ Ҳабибанинг қалбида эндигина тонг отган, унда балққан күёш ҳеч қачон ботмайдиган эди.

Торгина ҳовлида фақат ўзбек тўйларигагина хос ажиб ман-
зара: катта қозонларда лазиз таомлар биқирлар, хизматдаги-
ларбири чойнак, бири патнискўтариб югурар, машшоқларнинг
атрофига шинавандалар йиғилган, қолганлар бир тўда бола-
кайлар қуршовида келиннинг ота-онаси билан хайрлашувини
кузатишарди.

Карнай-сурнайнинг ўйноқи садоларига келинчакнинг
юракни эзиб юборадиган йиғиси қоришиб кетди. Сожида би-
рам йиғлади-ей... Аслида-ку, ота уйини тарк этарда ким ҳам
йиғламасин. Лекин бүгунги келин бўлмишни таниган-билган-
лар бу шунчаки ёт уйга равона бўлаётган қизнинг эрка йиғиси
эмаслигини ҳис этишлари бегумон.

...Сожидани соддадил, буғдойранг қишлоқ қизларидан
бир зийнати ажратиб турарди – бу ўртада унингдек сочи узун
қиз топилмасди. У кўчадан ўтганда ортидан қараган одам сал-
лона тебраниб бораётган товонўпар сочларига маҳлиё бўлиб
қоларди. Ёшларнинг суқи кирса, улўғлар алқашарди: «Гулдек-
кина қиз бўпти-я! Наиманинг қизи, сочини қаранг, онасига
тортибди. Ишқилиб, умри ўхшамасин...» Сожида онасини эс-
лолмайди, ундан битта сарғайган сурат қолган холос. Эсини
танибдики, ўғайликнинг қаттиқ нонини ейди. Қаторасига уч
ўғил туғиб бериб, бекалик курсисига маҳкам ўрнашиб олган
ўғай онаси бошига не кунларни солмади. Бўйи бўйига тенглаш-
ди ҳам-ки, арзимаган баҳона билан турткилашини қўймади.
Дадаси тараф олиб чарчагач, кўриб кўрмасликка олади-
ган бўлди. Болалигида бу азоблардан ажалгина қутқаради,

отлиғ юзсиз бир бало ин кәрди-ю, яна хўрланишга махкум этилди. Хўрликларга ўрганиб кетган, тухматга ҳам чидарди, фақат Нозим қўл кўтаришга одатлангач на бардоши қолди, на тоқати. Айниқса, охирги жанжаллари... Ўша куни сўрида бирга отамлашган оғайниси Сардорга кўз сузганмиш. Меҳмон кетиши билан жазавага тушди. Тепкилади, урди, Сожида қаттиқ зарбдан хушдан кетди.

Уни касалхонага оғир аҳволда олиб келишди. Ҳомиласи бор экан, қўзғалиб, кўп қон кетибди. Шифокорлар тонгача ҳаётини сақлаб қолишга уриндилар, бироқ ҳаммаси зое кетди. Мурғак вужуд онасини ҳали ўзи кўрмаган дунёдан қизғаниб, бирга олиб кетди...

Нақадар даҳшатли манзара. Иккита оқ халатлининг қўлида беланчақдай тебранган замбил. Оқ чойшабнинг бир четидан тўкилиб, ерга тегай деб турган тим қора сочлар... Қўшни момонинг сабр косаси тўлиб турган экан, дарвоза олдида анграйиб қолган Нозимга қараб ўшқирди:

– Шу сочларга осиш керак сени! Шу сочлар билан бўғиш керак сени!...

Сожидани ерга беришди. Ҳеч кимда йўқ чилвир сочлар тупроққа раво бўлди. Нозим эса...парда ортида қолди. Сожида дўхтирларга, қайинсинглисининг гапига кўра, «йиқилиб тушгандим» деб айтган эмиш...

Ўлган ўлиб кетди-ю, Нозим ўша-ўша кайф суриб юраверди. Ҳаёт гарчи ортга қайтмаса-да, ҳамма нарсанинг вақт-соати, ҳисоб-китоби бор экан.

Ўша куни қўшни қишлоқда улфатчилик қилган Нозим гандираклаб уйига қайтаётганида намозшом қоронғуси куюклашиб қолган, шамол ҳам бироз кучайган эди. Маст бўлмаганида, балким яқин йўл деб қабристон ўртасидан кесиб ўтмасмиди? Ҳеч қўрқувсиз ўтиб бораркан, нимагадир тўйқус Сожида ёдига тушиб кетди. «Шу яқин ўртада ётибди. Қабри қайси эди? Ҳув, ана ўша. Ана, шамолда сочлари тўзғиб ётибди.

Бирам узун-эй, сочлари...А?» Нозим бирдан сергак тортди. Кўзини юмиб-очди. Ё раб! Чиндан! Чинданам Сожиданинг қабри узра ўрам-ўрам сочлар илондек тўлғониб, талвасали тўзғиб турарди. Унинг миясига бир фикр яшиндек урилди-ю, кўшни момонинг овози акс-садо берди:

– Шу сочларга осиш керак, шу сочларда бўғиш керак сени!

– Йўқ, йўқ!...

Бирдан сочлар қабрдан ўзилиб, у томон ўчиб кела бошлади. Нозим ҳушига келиб, жонҳолатда қочишга тушди.

– Йўқ, Сожида, йўқ, кечир мени! Эй Худо, раҳм қил!!!

У қоқиниб-суриниб, ортга қарашдан қўрққанча қабрларни оралаб,чопиб борарди. Юраги томоғига тикилиб, худди биров бўғаетгандек нафаси қайтар эди. Шунда эски қабр илкис ўпирилиб тушиб, юзтубан йиқилди.

– А-аа!...

Сожиданинг сочлари етиб келдимми, йўқми, англаб ўлгурмади.

... Нозимнинг жасадини эртаси куни чошгоҳда, ногоҳон кўриб қолишди. Ерга ботиб ётган жойдан кўтариб олаётган кишилар тупроқ тўлган кўзлардаги даҳшат ифодасидан беихтиёр сескандилар. Сал нарида қўйтиканнинг қуриган чўпига илиниб қолган қора елим халтанинг шамолда титилиб кетган кокилларига эса ҳеч ким парво қилмади...

ГИЛОС

Ҳар бир инсон ўмри ёзилмаган, яратилаётган асар. Уни ўқиш эмас, ўқиш зарурлигини касалхонада ётиб терап англадим. Ўша кўни ҳамхонамиз Саъдинисо аянинг келини ўғли билан қўлтиқлашиб, там-там босиб келиб-кетди-ю, Ҳулкар хола ҳаёти уммонидан ҳикояларнинг яна битта дурдонаси қалқиб чиқди.

– Ҳай-ҳай, бу замоннинг келинлари-ей, – деди онахон. – Бамисоли тилла кокил туғадигандек! Қоринни қўйворишганим майли, эркаланганларичи!

Назаримда, ҳаммамизнинг кўз олдимизда ҳозиргина қайнонанинг краватига таппа ташлаб, елпинганча қурт шимиб ўтирган, кетарда тойиб бораётгандек эрининг билагига осилиб чиқиб кетган келинчак гавадаланди.

– Иккинчи боламда нимагадир жуда қаттиқ бошқоронғи бўлдим, – дея гап бошлади Ҳулкар хола. – Овқат тугул, бир қултум сув ичсам ҳам ташлайвердим. Овқатсиз одам нима бўларди, озиб-тўзиб, чўпдек бўлиб қолдим. Дўхтирда ярим ой ётган бўлсам, бир кун ҳам дори қўйишни тўхтатишмади.

Охири: «Шу дориларининг кучи билан ўтиб кетар, бошқа чорамиз йўқ» дея ўйга жавоб беришди. Аини далада иш қизғин пайтда қайнонамнинг олдида ётолармидим, ўзоқ йўл бўлсаям, онамникига обориб қўйинг, деб туриб олдим.

Ота-онам аҳволимни кўриб, юраклари ёрилай деди. Куёларини қанчалар сўроққа тутишмасин, бошқоронғилигимни айтмади. Чол-кампир бутун дунёни ўнатиб, мен билан овора бўлишди. Онам, ҳар қалай сездим шекилли, нуқул нима егинг келяпти, деб сўроқлайди. Қанийди бир нима егим келса!

Намозшом пайти эди. Бошимда елпиб ўтирган онам сизир сояли

учун қўзғалиб, ўрнига отамни чақирди. Оҳ, отамнинг олдида чўзилиб
ётиш нақадар қийин эди!

Она қизим, ёмон кийналдинг-а?

Отамнинг титроқ овози вужудимни зирқиратиб юборди.
Шуларни қийнаб ўтирмай, гумонам борилигини айтсамчи?
Бир оз хотиржам бўлишади-ю, лекин барибир, бу ётишимда...
Отамнинг майин ажинлари оралаб мўйлабига томаётган кўз
ёшларини кўрмаслик учун бошимни кўча томон ўгирдим. Пас-
таккина пахса девор устидан ярмиси кўриниб юк машинаси
ўтиб борарди. Чунонам чанг кўтарилди-ки! Беихтиёр терму-
либ қолдим. Шунда, қуюқ чанг булути тобора ҳарирлашиб,
ғубордан бўзрайган япроқлар орасидан қип-қизил гилослар
мўралади. Уларни ҳам чанг босгандир, лекин ўша тобда қип-
қизил, чип-чиройли кўринишарди. Мўъжиза! Сўнгги пайтда
мени бутунлай тарк этган ширин туйғу бостириб келди.

– Ота, гилос...

– А? Нима дединг, болам?

– Гилос, – базўр такрорладим ўша тамонга қараб.

– Ие, дардинг шугина экан-ку, қизим, илгарироқ айтсанг
бўлмасмиди?! Гилос дейсан-а, бутун бозордаги гилосни та-
шиб келаман!

– Анув-чи, ота, шўям бўлаверади.

Отамнинг эндигина ёришган юзи аянчли буришди.

– Э, шу Эсоннинг нарсасини қўй. Биласану, неча йилдан
бери гаплашмаймиз. Шу зикнадан тўртта гилос сўрагунча...

– Ҳа, нима гап? – аралашди сўри олдига етиб келган онам.

– Шукр қил, онаси, қизингнинг таъби очилди. Гилос сўра-
япти. Мен ҳозир, дарров гузарга чиқиб келаман.

Онам гап нимадалигини тушунди. Мен изоҳ беришга қув-
ватим етмай, жимгина кўзимни юмдим. Агар яна ўша тамонга
қарасам, баттар юрагим эзилади.

– Шу иккала чол қариб ҳам эслари кирмади, – дадам чиқиб
кетиши билан тутоқиб кетди онам. – Буларнинг аразини деб

ҳаммамиз салом-аликни йиғиштирдик. Болалар кўчада бир-бирини кўрса кўз ейишгандек ўқрайишади.

Кошки онамнинг куюнишлари қулоғимга кирса. Юмук кўзларим олдидан чанг босган қип-қизил гилос кетмайди, вужудим ёнади.

– Шунча чидадим, етар! Сени жавдиратиб қараб турмайман! Онам шартта туриб, дарвозадан чиқиб кетди.

– Саломатхон! Хув, Саломатхон!

Девор ортидаги икки қўшнининг соғинишган дугоналардек узоқ омонлашганини эшитиб ётдим.

– Вой опагон-ей, Ҳулкаройдан гилос айлансин! Керагича олаверинг. Эшигимга қадам босибсиз, бошим осмонга етди!

«Ҳайрият, берар экан...». Яна ўша томонга қарадим. Мени асир этган сеҳрли шохлар енгил титраб, бир-икки силкинди. Ҳил ўтмай онам қўлида бир ҳовуч мева билан кириб келди. Ёш боладек энтикиб, шошиб-пишиб ейишга киришдим. Чангини ювиш на менинг, на онамнинг ҳаёлига келмасди. Шунчалик ютоқибман-ки, катта хитой чиннисида тўла гилос кўтарган Саломат опанинг олдидан қандай пайдо бўлганини сезмадим.

Шу-шу ояқатта кириб кетдим. Менинг «дардим» баҳона қўшнилар ярашиб, яна қил ўтмас қадрдон бўлиб кетганларини айтмайсизми! Ўшанда жоним кўзимдан ўтиб, отамга сал эркалик қилгандек бўлдимми, деган истиҳолада кўзига қаролмай юрдим.

Ҳозир замон бошқача. Аёлларни давлатнинг ўзи кафтида тутати. Ҳомиладор бўлади-ки, ҳамманинг кўзи унда, атрофида парвона. Ўта нозик даврда у шунга арзийди ҳам. Аммо, айрим эрка-инжиқликларни пинҳон тутиб, ибо пардасини четга суришга ошиқмасалар, дейман-да. Илоҳим, эсон-омон фарзандларини бағрига боссинлар.

Ана шунақа аёл, Ҳулкар хола. Яхши тарбияси туфайли ўғиллари қўли кўксига, ҳамманинг ҳавасини келтириб зув-зув қатнашади, келинлари парвона.

Дарвоқе, шу ўринда онамнинг айтганлари ёдимга тушди. Бир сафар бошқоронғулигида ўзларининг нонини егиси келмай қолибди. Бу ҳақда ҳеч кимга айтолмай, оч-наҳор юраверар экан. Фақат даладагина умумий дастурхондан яйраб, ҳар кимнинг нонини еб юрибди. Кейинчалик овсини ҳам далага чиқадиган бўлибди-ю, «бизнинг нонимиз ҳамманикидан оқ, ширин, анавиларнинг сувга йўғрилган қора нонига тоқатим йўқ» дея, бўлак ўтиришга ундабди. Онам дардини айтишга уялганидан, қўшни дастурхонга суқланиб-суқланиб қараб, нонсиз овқатланиб юраверибди. Овсини далага чиқмаган кўни байрам бўларкан. Қора-қура, қаттиқ-қуттуқ нонларни ҳузур қилиб ер экан. Ахир буларни бировга гапириб бўлармиди...

